

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:336.71/657.1**

АХМЕДОВ ФИРДАВС ҚУРБОНОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА НОМОДДИЙ АКТИВЛАР
ҲИСОБИ ВА АУДИТИ**

Мутахассислик: 5A230702-«Банк ҳисоби ва аудит»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

проф. Т.Каралиев

ТОШКЕНТ-2018

**Диссертация Тошкент молия институти «Банк ҳисоби ва аудит»
кафедрасида бажарилган.**

Илмий раҳбар

проф. Т.Каралиев

Кафедра мудири

и.ф.н., доц. З.Умаров

Магистратура бўлими бошлиғи

и.ф.н., доц. У.Ортиқов

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	8
1.1. Тижорат банкларида номоддий активлар тушунчаси, унинг моҳияти ва баҳолаш тартиби.....	8
1.2. Банкларда номоддий активлар ҳисоби ва аудитини ташкил этишнинг назарий асослари	19
I боб бўйича хулоса.....	30
II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ АМАЛИЁТИ ВА УНИ МҲХС АСОСИДА ТАКОМИЛАШТИРИШ	32
2.1. Банкларда номоддий активларни киримга олиш ва ҳисобдан чиқариш ҳисоби.....	32
2.2. Банкларда номоддий активларга амортизация ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари.....	45
2.3. Номоддий активлар ҳисобини такомиллаштиришда хорижий тажрибаси қўллаш	50
II боб бўйича хулоса	56
III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА НОМОДДИЙ АКТИВЛАР АУДИТИ ВА УНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	58
3.1. Тижорат банкларида номоддий активлар аудитини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари	58
3.2. Номоддий активлар аудити натижаларини расмийлаштириш.....	64
3.3. Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ тижорат банкларида номоддий активлар аудитини такомиллаштириш	71
III боб бўйича хулоса	78
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	80
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	83

КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. 2018 йилда банк тизими фаолиятини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишда банклар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасида самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини таъминлаш масалаларига асосий эътиборни қаратиш зарур¹.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, тижорат банклари тизимида ҳам сезиларли даражада ўзгаришлар юзага келди. Республикамизда тижорат банк тизимининг узлуксиз ривожланиши бозор муносабатлари шароитидаги объектив зарурият бўлиб, бу ўз навбатида тижорат банклари фаолиятини узлуксиз назорат қилишни ва уларни самарали бошқариш учун зарур маълумотлар баъзасини вужудга келтирувчи бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг услубий асосларини такомиллаштиришни талаб этади.

Тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МХХС) тўлиқ мувофиқлаштиришни кўзда тутувчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ҳамда автоматлаштирилган банк тизимини замонавийлаштиришда банк ҳисоботларини Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) талабларига мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши² белгиланган. Албатта бу жараёнлар узлуксиз давом эттирилиб бориляпти.

Республикамизда иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши туфайли тижорат банклари маблағлари ва маблағлар манбаларини, шунингдек, уларнинг ҳаракатини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш услубида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Бухгалтерия ҳисобининг объекти бўлган ва тегишли назорат ўрнатилишини талаб этувчи ҳўжалик

¹ <http://uza.uz> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 22.12.2017

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 1438-сонли Қарори

маблағларининг янги турлари пайдо бўлди. Булардан бири номоддий активлардир.

Номоддий активларга патентлар, лицензиялар, «ноу-хоу», савдо маркалари, товар белгилари, саноат намуналари, дастурий таъминот, гудвилл, ташкилий харажатлар, франшизалар, муаллифлик ҳуқуқлари, ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари, хизмат кўрсатиш белгилари ва бошқалар киради.

Ҳозирги кунда номоддий активларни ҳисобда ва ҳисоботда акс эттириш масалаларига сезиларли даражада эътибор кучайди. Булар иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши ва чет эл инвестицияларининг кўплаб жалб қилиниши, молия бозорларининг ривожланиши; жаҳон иқтисодиётида якка ҳокимлик учун рақобатли кўрашнинг кучайиши, фан-техника тараққиётининг жадаллашиши ва мураккаблашуви каби жаҳон иқтисодий тараққиёти умумий тенденцияларининг қонуний оқибати ҳисобланади.

Номоддий активлар таркибини ташкил этувчи барча объектларга ҳозирги иқтисодий муҳитнинг муҳим объектлари сифатида қаралаётган ҳам бу соҳада чуқур илмий изланишлар олиб бориш зурурлигини тақозо этмоқда.

Ҳозирги шароитда ушбу номоддий активларни ҳисобга олиш ва уларнинг аудитини ташкил этиш тартибини ишлаб чиқиш масаласи иқтисодчи олимлар олдидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқорида таъкидланган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, номоддий активларнинг ҳақиқий ҳолатини ҳисобга олишни таҳлил қилиш ва уларнинг ҳисобини такомиллаштириш ҳамда аудит қилинишини тўғри олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, номоддий активларнинг янги тураларининг пайдо бўлиши ва мавжуд меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда адабиётларда бу объектларнинг етарли даражада ёритилмаганлиги илмий ишнинг йўналиши ва долзарблигини белгилади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти бўлиб банкларнинг активлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети тижорат банкларида номоддий активлар ҳисоби ва аудити ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқот мақсади тижорат банкларида номоддий активлар бухгалтерия ҳисобини юритиш ва аудитини ташкил этиш бўйича илмий ҳамда амалий жихатдан такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- номоддий активлар тушунчасига берилган таърифлар ва ёндашувларнинг қиёсий таҳлилини амалга ошириш ҳамда уларнинг иқтисодий мазмуни ва моҳиятини ўрганиш;
- тижорат банкларида номоддий активларни баҳолаш ва ундаги муаммолар ечими бўйича тавсияларни шакллантириш;
- тижорат банкларида номоддий активларнинг дастлабки ҳисоби ва уларни ҳужжатлаштириш бўйича амалий таклифларни бериш;
- номоддий активлар аудитини ташкил этиш ва ички аудит тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш;
- тижорат банкларида номоддий активлар аудитини амалга оширишнинг услубий жиҳатларини ўрганиш ва уларни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш.

Илмий янгилиги:

- тижорат банкларида номоддий активларни баҳолаш усуллари ягона тизимга келтирилиб, улардан самарали фойдаланиш йуллари тавсия этилди;
- номоддий активларга бўлган мутлоқ ҳамда номўтлоқ ҳуқуқларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобдан чиқаришнинг ўзига хос томонлари илмий ва амалий жиҳатдан асосланди;
- номоддий активлар аудитини ўтказиш жараёнида ички аудит тизимини такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар берилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тижорат банкларида номоддий активлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш натижасида

берилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар активлар, хусусан номоддий активлар ҳолати ва уларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш сифати ва шаффофлигини янада оширади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Номоддий активлар ҳисоби ва аудитини ташкил қилиш ҳамда тақомиллаштиришнинг назарий ва амалий асосларини ривожлантириш борасида кўпгина хорижий иқтисодчи олимлар жумладан, В.Палий, Н.Куницына ва В.Хисамудинов, В.Банк ва С.Семенов, М.Яндиев, Е.Соколова, Ч.Вулфел, В.Борисенко, Л.Краснова³ ва бошқаларнинг шу соҳага оид илмий тадқиқотларини келтириб ўтиш мумкин.

Номоддий активлар ҳисоби ва аудити масалалари бўйича Республикамизда ҳам қатор иқтисодчи олимлар илмий изланишларни олиб борганлар, хусусан Ф.Абдувахидов, З.Умаров, К.Джураев, А.Вахабов, А.Ибрагимов, Н.Ризаев, Р.Дўсмуратов, З.Маматов, И.Муругова, К.Наврузова, Н.Каримов, У.Ортиқов, С.Норкобиловнинг⁴ илмий изланишларида номоддий активлар ҳисоби ва аудитининг айрим масалалари ўз ифодасини топган.

Ушбу олиб борилган тадқиқотларда ички банк операциялари ҳисоби ва аудити мустақил тадқиқот объекти сифатида комплекс ўрганилмаган. Шу сабабли мазкур мавзу тадқиқот объекти сифатида танланди.

³ Палий В.Ф. «Международные стандарты учета и финансовой отчетности». (Учебник). Москва ИНФРА-М 2007., Куницына Н.Н., Хисамудинов В.В. «Банковский аудит». Учебное пособие 2005 г., Банк В.Р., Семенов С.К. «Организация и бухгалтерский учет банковских операций» учебного пособия. Москва «ФиС». 2004 г., Яндиев М.И. «Финансовые рынки и корпоративные финансы» (Учебник). Москва - 2007 МГУ им. М.В. Ломоносова, Соколова Е.С. «Международные стандарты учета и финансовой отчетности». Учебно-методический комплекс. Москва 2008., Вулфел Ч.Дж. "Банковское дело и финансовая энциклопедия" Перевод с английского. Федоров -2000 г., Борисенко В.В. Учёт нематериальных активов на основе МСФО // журнал Финансовой академии РФ Москва, 2007 г., Краснова Л.П «Финансы, деньги, кредит». Учебник. М.: Юрист, 2000

⁴ Абдувахидов Ф.Т., Умаров З.А., Джураев К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010. –224 б., Вахабов А.В., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К. Тижорат банклари ташқи аудитида халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш методикаси. Монография. Тошкент: молия, 2011. -188б., Дўсмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт. Тошкент: Молия. 2007. 275 бет., Ибрагимов А.К ва бошқ. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма.Тошкент, Молия. – 2010, 272б., Маматов З.Т. Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истикболлари, Тошкент:ТМИ. 2004, -348б., Муругова И.А. Операционная техника и учет в банках. - Т.: МОЛИЯ – ИҚТИСОД 2010г., Наврузова К.Н., Каримов Н.Ғ., Ортиқов У.Д. Банкларда бухгалтерия ҳисоби Т.: Давр нашриёти, 2012., Норкобилов С, Ортиқов У, “Банк аудити”. Т.: 2004- 108 б.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез усуллари қўлланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Ишда билдирилган фикр-мулоҳазалар тижорат банкларида номоддий активлар ҳисоби ва аудити такомиллаштиришга назарий жиҳатдан кўмак беради. Бу ўз навбатида, тижорат банкларининг молиявий фаолияти жараёнларининг самарадорлигини оширишга кўмаклашади. Тадқиқот натижаларидан иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларида “Банк аудити”, “Банкларда бухгалтерия ҳисоби” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Тижорат банкларида номоддий активлар тушунчаси, унинг моҳияти ва баҳолаш тартиби

Бизга маълумки, бугунги кунда тижорат банкларида номоддий активларни ҳисобга олиш масаласи долзарб масалага айланган. Чунки ушбу объектлар бухгалтерия ҳисобида янги объектлардан бири бўлганлиги учун уларни ҳисобини юритиш бўйича илмий ишланмаларни етарли деб бўлмайди. Хусусан тижорат банкларидаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришда бу муҳим роль ўйнайди.

Ахборотнинг глобал таъсири ва технологик ўзгаришлар ва алоқа ўзгаришлари жамиятимизни иқтисодиёт ва глобаллашувни глобал рақобатга олиб келадиган муҳим омил сифатида ўзгартирди. Сўнгги пайтларда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муҳит анъанавий бухгалтерлик ҳисобидан замонавий ниятларга ўтиш ва ундан кўп маълумот талаб қиладиган глобаллашув ва юқори рақобатни янада юқори даражага олиб чиқди⁵.

Тижорат банкларида номоддий активлар тушунчаси Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинган ва тушунчалари бериб ўтилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 1199-рақам билан рўйхатга олинган йўриқномага кўра ушбу “кўринмас активларга қуйидагича таъриф берилади”

“Номоддий активлар- бу номонетар, идентификация қилинадиган активлар бўлиб, моддий ва жисм шаклига эга бўлмаган, фойдали хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган, ҳамда улардан банк хизматлари

⁵ <http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S22125671140038314> George Ciprian, Radu Valentin From visible to hidden intangible assets // Procedia - Social and Behavioral Sciences 62 (2012) 682 – 688

кўрсатишда ёки маъмурий мақсадлар учун фойдаланишга мўлжалланган активлардир⁶» деб таърифланган.

«Номоддий активлар» номли 38-Молиявий ҳисоботнинг халқаро стардартига мувофиқ, номоддий актив - бу моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган аниқланадиган номонетар актив⁷. Номоддий активлар идентификацияланадиган бўлиши лозим. Номоддий активнинг идентификацияланиши деганда гудвилдан ажратган ҳолда алоҳида ҳисобга олиш объекти сифатида тан олиншини тушунилади.

Хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифлар ва ёндошувлар таҳлилига эътиборни қаратамиз. Масалан, В.Ф. Палий номоддий активларни амортизация қилиниши, қадрсизланиши, захиралар яратилиши, 38-, 37- ва 36-МҲХС лари бўйича номоддий активларни номоддий активларнинг эскириш ҳисоби, эскириш ҳисоблаш усуллари, фойдалилик муддатлари аниқлаш талаблари, номоддий активларни баҳолаш, қайта баҳолаш, номоддий активлар⁸ ҳақида маълумотлар берган.

Н.Н Куницына и В.В Хисамудиновлар номоддий активлар аудитига, яъни номоддий активларни банкка қабул қилишда қабул қилиш топшириш далолатномалари борлигига, интеллектуал мулк объектларни балансга кирим қилишда ушбу ҳуқуқни вужудга келишини экспертизадан ўтказиш, юридик мақомини текширишга қисқача тўхталган⁹.

В.Р.Банк ва С.К.Семеновлар «Банк операциялари бухгалтерия ҳисоби ва ташкил этиш» номли ўқув қўлланмасида номоддий активларни ҳисоби, уларнинг келиб тушиши, эскириш ҳисобланиши, ижарага берилиши ҳақида ёзилган. Ўқув қўлланмада номоддий активларга қуйидагича таъриф берилган. Кредит ташкилот томонидан сотиб олинган ва (ёки) интеллектуал фаолияти ва интеллектуал мулк объекти натижасида яратилган, ташкилот бошқарувида, хизмат кўрсатишда, ишлар бажаришда 12 ойдан ортиқ

⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2003 йил 14 январдаги “Ўзбекистон Республикаси банкларида номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида”ги 1199-сон йўриқнома

⁷ «Номоддий активлар» номли 38-Молиявий ҳисоботнинг халқаро стардарти

⁸ В.Ф. Палий «Международные стандарты учета и финансовой отчетности». (Учебник). Москва ИНФРА-М 2007. (123-125, 130-131 бетлар, 176-199 бетлар).

⁹ Н.Н Куницына и В.В Хисамудинов. «Банковский аудит». Учеб. Пособи 2005 г. (103-104 бетлар).

муддатларда фойдаланиладиган, даромад келтирадиган, моддий кўринишга эга бўлмаган активлар номоддий актив сифатида тан олиниши қайд этилган¹⁰. Бундан ташқари ушбу қўлланмада номоддий активлар бухгалтерия ҳисоби, яъни номоддий активларнинг банк ҳисобварақларида акс эттирилиши, ўтказмалари, амортизация ҳисобланиши, ижарага берилиши ва бошқалари қисқача ёритилган.

Яндиев М.И. «Молия бозори ва корпоратив молия» китобида компаниялар қийматини баҳолаш моделлари ва ушбу ҳолатда номоддий активнинг қийматини аниқлаш жараёнлари ёритилган бўлиб, компаниялар қийматини баҳолаш моделлари қуйидагилар:

1. Бозор қиймати қушилган (Market value added),
2. Иқтисодий қиймати қушилган (Economic value added),
3. Ўхшаш (айнан бирхиллик),
4. Номоддий активни фойдалалигини баҳолаш¹¹.

Е.С.Соколова «Халқаро стандартлар ҳисоби ва молиявий ҳисобот» китобида номоддий активлар ҳисоби ва уларни 38-сонли МҲҲС га кўра олиб бориш, юритиш назарияси¹² ёритилган.

Чарльз Дж. Вулфел номоддий активларга патент, муаллифлик ҳуқуқи, савдо маркаси, франшизалар, фаолият формуласи, гудвилл ва бошқа активлар кириши ва уларнинг иқтисодий-луғавий мазмунига изох, фойдали хизмат муддатлари¹³ берилган.

Краснова Л.П. номоддий активлар бу- моддий ва ашёвий кўринишга эга бўлмаган, хўжалик субъект фаолиятида 1 йил дан ортиқ муддат фойдаланиладиган, даромад келтирувчи активлардир¹⁴ деб таъриф берилган.

¹⁰ В.Р.Банк, С.К.Семенов. «Организация и бухгалтерский учет банковских операций» учебного пособия. Москва «ФИС». 2004 г. (297-306 с)

¹¹ Яндиев М.И. «Финансовые рынки и корпоративные финансы» (Учебник). Москва - 2007 МГУ им. М.В. Ломоносова

¹² Е.С.Соколова. «Международные стандарты учета и финансовой отчетности». Учебно-методический комплекс. Москва 2008. (Глава-4). (113-116 с)

¹³ Чарльз Дж. Вулфел "Банковское дело и финансовая энциклопедия", Перевод с английского. Федоров - 2000 г. (42-бет).

¹⁴ Краснова Л.П «Финансы, деньги, кредит». Учебник. М.: Юристъ, 2000

У номоддий активларнинг назарий тушунчалар бериш орқали номоддий активлар қисқача ёритилган.

Номоддий активларнинг таърифи активдан хўжалик фаолиятида фойдаланилишини ва у моддий моҳиятга эга бўлмаслигини талаб этади. Моддий моҳиятга эга бўлмаган (пул маблағлари кўринишида бўлмаган) активлар, агарда юридик ҳуқуқлар, жумладан мулк ҳуқуқи билан ўзаро муносабатда бўлиши мумкин бўлган ва улардан узоқ муддат давомида фойдаланилган тақдирда номоддий активлар таърифига жавоб беради.

Активларни бухгалтерия ҳисобига номоддий активлар сифатида қабул қилишда бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартлар бажарилиши керак:

а) моддий-ашёвий тузилиш (шакл)га эга бўлмаслиги;

б) активлардан маҳсулот ишлаб чиқаришда, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишда ёхуд банкнинг маъмурий ва бошқа функциялари учун узоқ муддат, яъни давомийлиги 12 ойдан юқори фойдали хизмат муддати ёки агар у 12 ойдан ошадиган бўлса, оддий операцион цикл мобайнида фойдаланиш;

в) банк ушбу активни кейинчалик қайта сотишни мўлжалламайди;

г) ишончлилиқ, яъни банкда актив ва унга бўлган мутлақ ҳуқуқнинг мавжудлигини тасдиқловчи тегишли равишда расмийлаштирилган ҳужжатлар (патентлар, гувоҳномалар, бошқа муҳофаза қилувчи ҳужжатлар, патент, товар белгисидан воз кечиш (сотиб олиш) шартномаси)нинг мавжудлиги;

д) банк томонидан бошқа активлардан идентификациялаш (бўлиш, ажратиш) имконияти, яъни активни ундан фойдаланиладиган хўжалик фаолиятидан алоҳида фойдаланишнинг мумкин бўлиши.

Интеллектуал сармояни ўлчаш ва баҳолаш учун унинг асосий таркибий қисмларини билиш ва тушуниш зарур. Интеллектуал капиталнинг турли таркибий қисмлари ўртасидаги фарқ интеллектуал капиталнинг нима

еканлигини тушунишимизга ёрдам беради ва бу концепсияни стратегик ва операцион даражага қўллашга имкон беради¹⁵.

Номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби бирлиги бўлиб инвентарь объекти ҳисобланади. Номоддий активларнинг инвентарь объекти бўлиб битта патентдан, гувоҳномадан, ҳуқуқдан воз кечиш шартномасидан ва шу кабилардан келиб чиқадиган ҳуқуқлар жами ҳисобланади. Бир инвентарь объекти бошқасидан ажратилиши (идентификацияланиши)нинг асосий белгиси бўлиб, улар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатишда мустақил вазифаларнинг бажарилиши ёхуд банкнинг маъмурий ва бошқа функциялари учун ишлатилиши ҳисобланади.

Иккита ёки бир нечта банк мулкида бўлган номоддий активлар объекти ҳар бир банк томонидан умумий мулкдаги унинг улушига тенг миқдорда номоддий активлар таркибида акс эттирилади.

Номоддий активлар қуйидаги хусусиятларга эга бўлади:

1. Олиш усули. Номоддий активлар бошқа субъектдан сотиб олиниши мумкин. Масалан, ишлаб чиқилган ва бошқа фирма томонидан рўйхатга олинган франшизалар ёки патентлар.

2. Ўхшашлик (айнан тенглаштиришлик). Айрим номоддий активлар фирманинг бошқа активларидан алоҳида ажратилиши мумкин. Масалан: патентлар, савдо маркалари ва франшизалар. Лекин бошқа номоддий активларнинг алоҳида ажратилиши мумкин эмас, аксинча, уларнинг баҳоси фирманинг бошқа активлари билан ўзаро уюшган ҳолда чиқарилади. Масалан: мижозларнинг ишончи ёки ходимларнинг малакаси даражасида асосланган гудвилл.

3. Алмашиш. Сотиладиган ёки сотиб олиш мумкин бўлган алоҳида тенглаштирилган номоддий активлар алмаштиришга лойиқ, масалан: патентлар, франшизалар ёки савдо маркалари. Бошқа номоддий активлар алоҳида тенглаштирилган бўлиб, фақат фирманинг сотилиши жараёнида

¹⁵ <http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S22125671140038314> George Ciprian, Radu Valentin From visible to hidden intangible assets // Procedia - Social and Behavioral Sciences 62 (2012) 682 – 688

алмаштирилиши мумкин. Масалан: ташкилий харажатлари, гудвил алоҳида тенглаштирилмаган, алмаштиришга лойиқ бўлмаган ва бир вакгда бошқа активларни олмай туриб қабул қилинмайдиган номоддий активаларга мисол бўлиб хизмат қилади.

4. Номоддий активларни ишлатишда олинадиган даромадларнинг даври. Айрим номоддий актив бўйича даромадлар олиш даврини аниқлаб бўлмайди. Номоддий активларни ишлатишдан кутилган даромадларни олиш даври иқтисодий ёки юридик ва келишилган чекланишлар орқали аниқланади. Масалан: лицензияни ишлатишдан олинадиган даромад тузилган ва қайд қилинган шартномада аниқланади.

Номоддий активлар қуйидаги активлар сифатида аниқланади:

- субъект фаолиятида фаол ишлатилади, инвестициялар сифатида ёки сотиш мақсадида сақланмайди;
- ҳозирги ҳисобот даври тугаганидан кейин фойда келтириши керак;
- ҳар доим ҳам моддий моҳиятга эга эмас.

Алмаштиришга лойиқ номоддий активлар — бу фирмаларнинг бу каби активларидан алоҳида идентификация қилинадиган ва алоҳида сотилиши мумкин бўлган номоддий активларидир. Масалан: патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари, франшизалар ва савдо маркалари. Улар эгалланиши ёки фирма ичида ишлаб чиқарилиши мумкин.

Субъектнинг фаолиятида кўпроқ учраб турадиган алмаштиришга лойиқ бўлган айрим номоддий активлар қўйида келтирилган.

Айирбошлаш учун мўлжалланган номоддий активлар - бу фирма (банк) нинг бошқа активларидан алоҳида фаолият кўрсатадиган ва алоҳида сотилиши мумкин бўлган активлардир. Субъект фаолиятида энг кўп учрайдиган ва айирбошлашга мўлжалланган айрим номоддий активлар қўйида келтирилган.

Ноу-хау - ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти жараёнида фойда келтирувчи янги технологиядир.

Ноу-хау хўжалик юритувчи субъект таъсисчилари келишувида аниқланган қиймат бўйича хўжалик юритувчи субъект устав капиталига улуш ҳисобида таъсисчилар киритиши ҳам мумкин.

Ноу-хау кўрсаткичи, одатда, томонларнинг келишуви орқали аниқланади. Ноу-хаудан фойдаланиш натижасида корхонанинг келгусида оладиган даромад вақт ўтиши билан камаймайди. Шу сабабли уларга эскириш ҳисобланмайди. Агар вақт ўтиши билан ноу-хаудан фойдаланиш натижасида келгусида корхонани оладиган даромади камаядиган бўлса, у ҳолда ноу-хауларнинг хизмат муддатига қараб эскириш ҳисобланади.

Патент - бу юридик томондан рўйхатдан ўтказилган ва тан олинган мутлақ ҳуқуқдир.

Патентлик ҳуқуқи унинг эгасига маҳсулот, жараён, ёки фаолиятдан, бошқа шахслар томонидан аралashiш мумкин эмаслигини ҳисобга олган ҳолда, фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва назорат қилиш ҳуқуқига имкон яратади.

Патентнинг тегишли органлар томонидан рўйхатдан ўтказилиши унинг ҳимояланишига кафолат бермайди. Ушбу ҳуқуқлар судда мувофақият билан ҳимояланмагунига қадар рақобатбардош бўла олмайди. Шунингдек, судда ҳуқуқ ҳимоя қилиниши билан боғлиқ барча харажатларни патент баҳосининг бир қисми сифатида капиталлаштириш лозимлиги тўғрисида умумий келишув мавжуд.

Мабодо суд жараёнида ютқазилса, у билан боғлиқ харажатлар ҳам амортизация қилинмаган патент қиймати ҳам ҳисобдан чиқарилади. У билан боғлиқ харажатлар, патентнинг амортизация қилинмаган қиймати сифатида тенг ҳолда зарарга қабул қилинади. Патентнинг баланс қиймати зарардан кейинги қийматигача қисқартирилади. Бу қиймат ноль ҳам бўлиши мумкин. Зарардан кўрилган зиёни ҳисобга олган ҳолда, патент қийматининг хар хил кичиклаштириш суммасида, тан оlinиши керак.

Саноатга оид дизайнни рўйхатга олиш патентнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг шаклига, наъмунасига ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг

ўзига хос беаги ва бошқа ажратадиган белгиларидир. Патент ишлаб чиқаришни ҳимоя қилади, саноатга оид дизайнни рўйхатга олиш эса маҳсулот ёки товарнинг ташқи кўринишини ҳимоя қилади. Масалан: компьютер терминалининг янги дизайнини рўйхатга олиш натижасида ҳимоя қилинади.

Саноат дизайннини рўйхатдан ўтказиш шакл, намуна ёки модел юзасидан патентга ўхшаш. Патент ҳаракат қилишни ҳимояласа, саноат дизайннини рўйхатдан ўтказиш ташқи кўринишни ҳимоялайди.

Муаллифлик ҳуқуқлари - адабиёт, мусиқа, тасвирий санъат ва ҳоказо асарларнинг муаллифларига қонун томондан бериладиган ҳимоянинг шаклидир. Муаллифлик ҳуқуқи соҳибларига ўз ишларини нашр қилиш, қайта нашр қилиш ва кўпайтириш, кўчирма нусхаларини сотиш, ёзиб олиш ҳуқуқи беради.

Муаллифлик ҳуқуқи қиймати таннарх қондасига биноан ўлчанади, деб фараз қилинади. У кўпинча бутун амал қилиш муддати мобайнида иқтисодий қийматга эга бўлмайди ва унинг қиймати муаллифлик ҳуқуқига оид ишнинг даромад келтира бошлаши кўтиляётган давр давомида амортизация қилиниши лозим бўлади. Аммо у ҳар қандай ҳолатда ҳам бутун амал қилиш муддатидан ортиқ вақт давомида (муаллифнинг ҳаёт эканлиги даврининг яна 50 йил) амортизация қилинмаслиги керак.

Савдо русумлари ва/ёки савдо номлари (Савдо маркалари ёки савдо белгилари) - бу компанияга, маҳсулот ёки хизматларга бериладиган номлар, белгилар ва солиштиришни асослайдиган бошқа турлари. Улар эгалик ҳуқуқини асослаш учун рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Савдо маркалари ёки савдо белгилари (мисол учун “Coca-Cola”)- маҳсулот ёки хизматларга оид берилган номлар, рамзлар ёки бошқа хил (аниқлаб берувчи) идентификациялар. Улар эгалик қилишни асослаш учун рўйхатга олинishi, рўйхатга олинганлари эса-уларнинг фаолият муддатларини маълум бир даврга узайтириш асосида янгиланиб бориши

мумкин. Бундай ҳолларда номланишлар, рамзлар ва маҳсулотнинг бошқа аниқловчи идентификациялари юридик жиҳатдан ҳимояланади.

Савдо маркасининг сотиб олиниши вақтида тўланган пул маблағлари қиймати капиталлаштириб борилади. Унинг фойдаланилиши, ҳимоя қилиниши, кенгайтирилиши, рўйхатдан ўтказилиши ёки судда ҳимоя қилиниши натижасида юзага келган пул суммалари ҳам капиталлаштирилади.

Бу тарика капиталлаштирилган суммалар савдо маркасининг фойдали хизмат қилиши муддати мобайнида ёки ушбу муддатлардан қайси бири нисбатан қисқа бўлиб чиқишидан келиб чиққан ҳолда - 40 йил мобайнида амортизация қилиниши лозим.

Франшизалар одатда давлат томонидан давлат мол-мулкидан (масалан, кабель телевидениеси компанияси) фойдаланиш ҳуқуқига эгалик қилиш учун ёки коммунал хизматлар кўрсатиш (электр энергияси), шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар томонидан аниқ мақсадлар ва аниқ хизматлардан (“Ўзбекистон ҳаво йўллари”) фойдаланиш ҳуқуқига эгалик қилишлари учун берилади.

Кўпгина ҳолларда франшизани олиш қиймати юқори бўлади ва одатда франчайзи франчайзорга унинг бошланғич қийматини тўлаши талаб этилади. Франшизанинг бошланғич қиймати капиталлаштирилиши ва ундан кейингина харажатлар юзасидан ҳисобдан чиқарилиши лозим. Франшизалардан амортизация қилиш унинг олдинги даврий баҳолари билан биргаликда аниқ белгиланган хизмат қилиш муддатига асосланади. Бироқ тўлиқ амортизация даври 40 йилдан ошиб кетиши мумкин эмас.

Субъектнинг субъектга имтиёزلарни тегишли хизмати учун, масалан, рағбатлантирадиган компанияларда, бухгалтерия ҳисоби ва ташкиллаштириш масалаларини ечишда ёрдамлашиши учун, берувчи, улардан фойдаланувчи ҳар йилги ва ҳозирги тўловлари аниқ жойга эга бўлган объектларнинг харажатларига қўшилиши керак, чунки улар ўлчанадиган келажакдаги даромадларни келтирмайди. Агар франшиза ўз

қийматини йўқотса ёки қонун томонидан бекор қилинса, амортизация қилинмаган сумма тезда субъектнинг зарарларга кўчирилиши шарт.

Ижара ҳуқуқи (Ижарадаги мулкни яхшилаш, ўзгартириш кирита олиш ҳуқуқи) — бу активни ишлатиш бўйича бир томондан иккинчи томонга бериладиган ҳуқуқ. Кўп ҳолларда субъект бошқа томоннинг мулкни ижарага олишни хўжалик келишуви асосида амалга оширади ва олдиндан тўловни амалга оширади. Ижарага олиш ҳақидаги хўжалик келишуви (контракт) ижарачига мулкка эгалик қилиш ҳуқуқларини ва эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган таваккалчилик ва мукофотнинг кўп қисмини бермайди. Бундай мукофот ва таваккалчиликни берувчи шартнома капитал ижара деб номланади. Олдиндан тўланган ижара ҳақи, масалан, мажбуриятларни камайтирувчи тўловлар, бутун ижара даврини ўз ичига олади. Бундай олдиндан ижара ҳақини тўлаш бошиданок «Бўнак сифатида тўланган ижара ҳақи» счётига олиб борилиши керак. Бундай активнинг қиймати "Ижара бўйича харажатлар" счётининг дебетига кўчирилиши лозим. Ижарадаги мулкни яхшилаш, ҳаттоки ижарадаги мулк ижарачиники бўлмаса ҳам, одатда номоддий активлар сифатида туркумланади. Ижарадаги мулкни яхшилаш ижаранинг қолган муддати ёки яхшилашларнинг хизмат муддати мобайнида, қайсиниси қисқароқ бўлса, ўша давр ичида амортизацияланади.

Айирбошлаш учун мўлжалланмаган номоддий активлар. Баъзи номоддий активлар иккита махсус тавсифга эга: улар узоқ муддатли бўнак тўловлари бўлиб ҳисобланадилар ва уларга эгалик қилувчига бошқа томонга сотилиши мумкинлиги бўйича ҳуқуқни бермайди. Ушбу номоддий активлар алоҳида солиштириш мумкин, лекин алмаштиришга тегишли эмас. Масалан ердан, табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари.

Компьютер дастурий таъминот. Агар дастурий таъминот тегишли жиҳознинг таркибий қисми бўлса, у моддий актив сифатида қаралади. Агар дастурий таъминот тегишли жиҳознинг таркибий қисми бўлмаса, у номоддий актив ҳисобланади.

Бошланғич (ҳақиқий) қиймат - бу номоддий активларни сотиб олиш ёки яратиш билан боғлиқ бўлган, тўланган солиқлар, божхона божлари ва йиғимлари, шунингдек, етказиб бериш ва ўрнатиш билан боғлиқ, ўрнатишга ҳамда активдан ўз мақсади бўйича фойдалана олиш учун уни ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ҳар қандай ҳақиқий харажатларнинг суммасидир.

Гудвилл (goodwill) - яхши ном, обру-эътибор (репутация), "фирманинг баҳоси", фирманинг амалий шухрати. Банкни сотиб олишда унинг соф активлари баҳосидан (бозор баҳоларидаги барча активлар ва барча мажбуриятлари ўртасидаги фарқ) ортиқроқ баҳода харидор томонидан тўланган суммаси гудвилл деб юритилади. Бу эса, банк харидори томонидан банк сотиб олинаётганда, ушбу банкдаги йиллар мобайнида шаклланган мижозлар билан, қарз олувчилар ва депозиторлар билан ўзаро ўрнатилган муносабатларни ҳам сотиб олинганлиги англаётганлигини билдиради.

Ишчанлик қобиляти (гудвилл) -аниқлаб бўлмайдиган номоддий актив¹⁶: Ишчанлик қобиляти (гудвилл) энг кенг тарқалган ва муҳим бўлган номоддий актив ҳисобланади. Ишчанлик қобиляти фирманинг ижобий таъсир кўрсатадиган тавсифлардан келиб чиқадиган бойликларни ифодалайди, бунинг натижасида фирманинг аниқланган активларидан олинадиган даромадга қўшимча бўладиган даромадларни кўпайтиради.

Ишчанлик қобилятнинг концептуал моҳияти. Ишчанлик қобиляти фирманинг тахмин қилинадиган бўлғуси молиявий кўрсаткичларини одатий кўрсаткичлардан ошганлигидир. Бу тахмин фирма ёки унинг операцион муҳитга тегишли номоддий ижобий тавсифлар ёки омиллар фирма учун ўртачадан кўра кўпроқ даромадларни келтириш эҳтимолидан вужудга келади.

¹⁶ А.К.Ибрагимов, М.Д.Марпатов, Н.К.Ризаев «Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби» ўқув қўлланма, -Т.: 2010 йил. (161-175 бетлар)

Ҳисобга олиш мақсадларда ишчанлик қобилиятини фирманинг ҳақиқий сотиб олиш нархи билан солиштириладиган соф активларининг ҳаққоний бозор нархи орасидаги фарқ сифатида кўриш мумкин.

1.2. Банкларда номоддий активлар ҳисоби ва аудитини ташкил этишнинг назарий асослари

Олиб борилган тадқиқотлардан шу маълумки, тижорат банкларида номоддий активларни ҳисобга олиш ва унинг аудитини ўтказиш юзасидан катор меъёрий асослар яратилган ва бу жараён давом этиб келмоқда. Жумладан, тижорат банкларда номоддий активлар ҳисоби ва аудитининг ҳуқуқий меъёрий асослари қуйидагилар ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси;
- “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонун;
- “Аудит фаолияти тўғрисида”ги қонун;
- “Банк сири тўғрисида”ги қонун;
- “Баҳолаш тўғрисида”ги қонун;
- “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги қонун;
- “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги қонун;
- «Фирма номлари тўғрисида»ги қонун;
- МСФО (IAS) №38 «Номоддий активлар»;
- «Ўзбекистон республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси»
- “Ўзбекистон Республикаси банкларида номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида”ги 1199-сонли йўриқнома;
- Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (13-сон МБМС) «Интеллектуал мулк объектлари қийматини баҳолаш».

Ўзбекистон республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига кўра номоддий активлар ҳисоби қуйидаги ҳисобварақларда ҳисобга олинади.

1.1-жадвал

Тижорат банкларида номоддий активларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар

Ҳисобварақ номери	Ҳисобварақ номи
16601	Номоддий активлар
16605	Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси (контр-актив)
16609	Ўрнатиш ва яратиш жараёнидаги номоддий активлар
16617	Гудвилл
16699	Ўрнатиш ва яратиш жараёнидаги номоддий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлари қоплаш захираси(контр-акт)
56618	Номоддий активларнинг эскириш суммаси
56832	Номоддий активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш

Ҳисобварақлар режасида номоддий активлар тўғрисидаги амалиётларни бухгалтерия проводкаларда акс эттиришга хизмат қилиб, ундаги ҳар бир ҳисобварақ ўзида номоддий активларнинг ўзини, амортизациясини, харажатларини аналитик ва синтетик ҳисобини олиб боради.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида номоддий активлар ҳақида солиқ муносабларини тартибга солади: Солиқ кодексининг 144-моддасида номоддий активларга тегишли бўлган талаблар ёритилган:

- номоддий активлар таркибига ўтказилмаган капитал қўйилмаларга амортизация ҳисобланмайди;

- номоддий активлар объектидан унумли фойдаланиш муддатини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ёки чет давлатнинг қўлланилиши мумкин бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек, номоддий активлардан фойдаланишнинг тегишли шартномалар билан боғлиқ унумли муддатидан келиб чиққан ҳолда патентнинг, гувоҳноманинг амал қилиш муддати ва (ёки) интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш

муддатларининг бошқа чекланишларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

- унумли фойдаланиш муддати аниқлаб бўлмайдиган номоддий активлар бўйича амортизация нормалари беш йилга, лекин солиқ тўловчининг фаолият муддатида ортиқ бўлмаган муддатга мўлжаллаб белгиланади.

Солиқ кодексининг 146-моддасида номоддий активларга тегишли бўлган талаблар ёритилган: номоддий активларнинг жадаллаштирилган усулда ҳисобланган амортизация (нормалар бўйича ҳисобланган амортизация суммасини айириб ташлаган ҳолда аниқланган) суммаси бўйича юзага келган харажатлар улар юзага келган пайтда, жорий ҳисобот даврида солиқ солинадиган фойдани ҳисоблаб чиқаришда чегирилмайди, улар кейинги даврларда, солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсати билан белгиланган, лекин 10 йилдан кўп бўлмаган муддат ичида чегирилиши лозим.

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадларига солиқ солинмайди:

- саноат мулки объектларига ва селекция ютуғи патентига патент(лицензия) эгаси бўлган жисмоний шахснинг патентни (лицензияни) уларнинг амал қилиш муддати доирасида, лекин фойдаланиш бошланган кундан эътиборан қуйида кўрсатилган даврдан кўп бўлмаган муддатда сотишдан олган даромади суммаси:

- ихтиролар ва селекция ютуғидан - 5 йил давомида;
- саноат намунасидан - 3 йил давомида;
- фойдали моделдан - 2 йил давомида.

Номоддий активлар реализация қилинган тақдирда, солиқ солинадиган база қўшилган қиймат солиғи суммасини ҳам ўз ичига оладиган, уларнинг реализация қилиш нархи билан қолдиқ қиймати ўртасидаги ижобий фарқ сифатида белгиланади (Солиқ кодексининг 204-моддаси).

Устав фондига (устав капиталига) ҳисса ёки пай бадали сифатида бериладиган номоддий активлар суммаси қўшиган қиймат солиғи тулашдан озод этилган (Солиқ кодексининг 208-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси банкларида номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида”ги 1199-сонли йўриқномада банкларда номоддий активларнинг ҳисобини юритиш тартибини белгиланган.

Номоддий активларни ҳисобга олишда, ер, бинолар ва ускуналар каби моддий активларга ўхшаш тамойиллар ва муолажалар қўлланади. Ушбу тамойиллар ўз ичига қуйидагиларни киритади:

- уларни олиш пайтида таннарх тамойилини қўллаш;
- улардан фойдаланиш вақтида, қилинган харажатлар ва ушбу харажатлар натижасида олинган даромад бир вақтнинг ўзида акс эттирилишини талаб этадиган мувофиқлик тамойилини қўллаш;
- уларни тугатилишида даромадни (зарарни) тан олиш тамойилини қўллаш, яъни тугатилишидан олинadиган фойда ёки кўриладиган зарар сотишдан олинган тўлов ва чиқариладиган активнинг баланс қиймати орасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Интеллектуал сармоя ташкилот томонидан янги жараёнларга, маҳсулот ва хизматларга айлантирадиган қиймат яратиш учун фойдаланиши мумкин бўлган номоддий активлар ва ресурсларни ўз ичига олади¹⁷.

Номоддий активларнинг баҳоси фақат имтиёзлар ва тадбиркорлик ҳуқуқлари билан тақдим этилади. У фоизли, молиявий ёки муомалавий даромад келтиради. Уларга гудвил, патентлар, муаллифлик ҳуқуқлари, савдо маркалари ва хоказолар киради. Номоддий активларнинг баҳоси асосий воситаларга ўхшаб вақти-вақти билан амортизация қилинади, яъни активнинг ишлатилиши пайтида, фойдали вақт ичида харажатларнинг таркибига кўшилади.

Хозирги кунда субъектларнинг иқтисодий ҳолати уларни такомиллаштиришни талаб қилади, давлат ичида ва ташқи ишлаб чиқарувчилар орасида рақобат ассортиментини янгилаш доирасида ва

¹⁷ <http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S22125671140038314> George Ciprian, Radu Valentin From visible to hidden intangible assets // Procedia - Social and Behavioral Sciences 62 (2012) 682 – 688

махсулотларнинг сифатини, бажарилаётган ишни ва хизматларни оширишда субъектга янги мажбуриятлар қўяди.

Қўйилган масалаларни ечишни таъминлаб турувчи инструментлардан бири номоддий активлар ҳисобланади, чунки улар моддий хусусиятга эга бўлмай махсулотни яратиш ва даромадларни олишда фаол қатнашади. Уларга патентлар, лицензиялар, "ноу-хау", ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари, брокерлик жойлари, савдо маркалари, программали дастурлар ва бошқалар киради.

Юқорида келтирилган 4 та хусусият номоддий активларнинг ҳар хил категориялари учун бухгалтерия ҳисобининг усулларига таъсир қилади.

Номоддий активларнинг ҳисоби моддий активларга, масалан, ер, бино ва ускуналарга қўлланиладиган худди шундай тамойиллар ва тартибларни ўз ичига мужассамлаштиради. Бу тамойиллар ўз ичига қуйидагиларни олади:

1. Ушбу активларни олиш вақтида таннарх тамойилини қўллаш;

2. Мослик тамойилини, бу сарфланган харажатлар ва олинган даромадлар ушбу ҳисобот даврида акс эттирилишини талаб қилувчи, ишлатиш даври пайтини қўллаш;

3. Чиқиш пайтида даромадларни тан олиш тамойилини қўллаш, яъни чиқимдан олинган фойда ёки кўрилган зарар олинган пул маблағлари ва чиқиб кетган активнинг баланс қиймати орасидаги фарқининг тан олиниши.

Номоддий активларнинг ҳисобида 2 та асосий масала мавжуд:

– ҳозирги ҳисобот даврида ушбу активлар қийматининг қайси қисмининг харажатлар ҳисобига қўшилишини аниқлаш;

– балансда кўрсатилган қоплаш қийматини ҳисоблашнинг зарурлиги.

Ушбу масалаларни ечиш учун қуйидаги ишларни бажариш керак:

- номоддий активларнинг дастлабки қийматини тўлиқ, тўғри ва ўз вақтида аниқлаш;

- номоддий активлар қийматининг тегишли қисмини улардан фойдаланиш жараёнида харажатларнинг таркибига тўғри қўшиш;

- номоддий активларнинг ишлатилиши билан боғлиқ бўлган харажатларнинг ҳисобини тўғри юритиш;

- номоддий активларнинг ҳисобдан чиқарилишини тўғри ва ўз вақтида ҳисобда акс эттириш.

Баҳо тамойилига кўра, номоддий активлар уларни олиш пайтида сотиб олиш қиймати бўйича акс эттирилиши керак. Харид қилиш қиймати активларни харид қилиш пайтида сарфланган ҳамма харажатларни, шунингдек, харид қилиш баҳосини, ташиш бўйича харажатларни ва юридик харажатларни, ҳамда харид қилиш билан боғлиқ бошқа харажатларни ўз ичига олади. Харид қилиш қиймати бу ҳамма тўловлар ёки олинган активларнинг ҳозирги бозор қийматидир. Агар номоддий актив текинга, бадал ҳисобига, бартер асосида тўлиқ ёки қисман олинган бўлса эксперт томонидан белгиланган қиймат, пул маблағлари билан тўланган сумма ва бадалнинг ҳозирги бозор қиймати унинг қиймати ҳисобланади. Агарда ушбу қийматни аниқлаш имконияти бўлмаса, унда олинган номоддий активларнинг бозор қиймати ишлатилади.

Жорий ҳисобда номоддий актив бошланғич баҳоси бўйича акс эттирилган. Олиш баҳоси, маслахат бериш бўйича, маркетинг тадқиқотлари бўйича харажатлар ва бошқа харажатларнинг йиғиндисидан ташкил топади. Бу харажатларнинг манбаси устав капиталга қўйилган таъсис этувчиларнинг аъзолик бадаллари ва фаолияти пайтидаги сарфланган харажатлардир.

Олиш манбасига кўра улар хар хил баҳоланади ва қуйидаги тартибда кириш қилинади:

- таъсис этувчилар ва акциядорпар жамиятининг аъзолари томонидан устав капиталига қўшилиш қисм (улуш) сифатига:

- бошқа юридик ва жисмоний шахслардан олиш пайтида олиш баҳоси бўйича, ҳамда етказиб бериш, ўрнатиш ва ишлатиш учун тайёрлаш бўйича харажатларни қўшган ҳолда;

- текинга олган ҳолатларда эксперт комиссиясининг баҳолаши бўйича.

Номоддий активнинг қиймати доимий бир хил улуш тарзида активнинг ишлатилиш муддати ичида ёки мослик тамойилига кўра активнинг тахминий ишлатилиши муддати ичида фойдаланиш муддатини аниқлашда қуйидаги омиллар ҳисобга олиниши керак:

1. Максимум ишлаш муддатларини чегаралай оладиган юридик, тартибга солувчи ва келишилган ҳолатлар;
2. Тахминий ишлаш даврини ўзгартира оладиган янгилик ва фойдаланиш муддатини узайтириш учун шароитлар;
3. Хизмат даврини қисқартиришга олиб келадиган, эскириш, талаб ва бошқа омиллар;
4. Кутилган ишнинг муддати ёки ишчилар гуруҳига мос келадиган хизмат муддати;
5. Номоддий активнинг муҳим рақобатбардошлигини чегаралай оладиган кутилган рақобатчи ва бошқа субъектларнинг ҳаракати;
6. Хар хил хизмат муддатлари билан кўплаб ажратилган активларнинг тузилиши мумкин бўлган номоддий активлар.

Хусусиятларига кўра номоддий активларлар камдан кам қийматига эга. Аниқ хизмат муддатига ёки ҳаракат муддатига эга бўлмаган номоддий активнинг қиймати, албатта, исботлаб мўлжалланган муддат асосида амортизация қилиниши керак. Бу қоида қўшимча бўлишига карамай, у даромадларни акс эттириш пайтида манипуляция учун мослик тамойилидан мумкин бўлган даражада суистеъмол қилишнинг олдини олади.

Номоддий актив хизматининг иқтисодий муддатини аниқлашда анча кийинчиликлар мавжуд бўлиб, иш муддатларини кўриб чиқиш учун, давр талабига лойиқ бўлишини аниқлаш учун даврий баҳолашларни ўтказиб туриш лозим. Хизмат муддати ўзгартирилган пайтда амортизация қилинмаган қиймат кўриб чиқилиб қолган хизмат муддати ичида амортизация қилиниши керак. Лекин, хар қандай вазият пайтида амортизациянинг тўлиқ даври активни фойдаланишга топшириш пайтидан бошлаб 40 йилдан ошмаслиги керак.

Амортизация суммасини ҳисоблаш усуллари активнинг ишатилишини акс эттириши керак. Амортизация ҳисоблашда тўғри чизикли усулдан фойдаланиш афзалроқ. Ишлаб чиқариш усули, тезлаштирилган амортизация усули ва бошқа хил усуллар эса аниқ шароитлардан келиб чиққан ҳолатларда ишлатилиши мумкин.

Номоддий активнинг амортизацияси асосан йилнинг охирига корректив (тузатиш) ёзуви билан боғлиқ. Амортизацияга лойиқ деб топилган сумма амортизация бўйича харажатларнинг дебети (ушбу актив қаерда ишлатилган бўлса) ва номоддий активларнинг эскириши счётининг бевосита кредитига ёзилади.

Номоддий активларнинг қийматига тўғридан-тўғри тааллуқли харажатлар, масалан, юридик хизматлар учун касбий рағбатлантиришлар (гонорарлар)ни ўз ичига олади. Ҳақиқий қийматга эга бўлиш учун барча савдо чегирмалари ва қайтарилган маблағлар чиқариб ташланади.

Номоддий активларнинг қайта баҳоланишини ҳисобга олган ҳолдаги қиймати тикланиш қиймати дейилади. Бухгалтерия балансида тан олинган актив суммаси баланс қиймати дейилади.

Ишчанлик қобилятини баҳолаш. Айирбошлаш операцияни амалга ошириш санасига харид қийматини солиштириладиган сотиб олинган активлар ва мажбуриятларни ҳаққоний қийматидан ошиб кетиши ишчанлик қобилят деб номланади ва активлар сифатида тан олинади.

Банкнинг ўзида ишлаб чиқилган гудвилл, ҳисобварақларда капитализацияланиши мумкин эмас, чунки гудвиллнинг таркибий қисмини ўлчаш ва унинг жорий харажатларини келгуси афзалликлари билан таққослаш жуда мураккаб ҳисобланади. Гудвиллнинг бўлғуси афзалликлари гудвилл ишлаб чиқарилиши учун сарфланган харажатларига ҳеч қандай муносабати бўлмаслиги мумкин. Гудвилл унинг ишлаб чиқарилишига сарфланган қандайдир маълум харажатларсиз ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Гудвиллни пайдо бўлишига сабаб бўлиб ижобий таъсир этадиган қуйидаги омиллар: аъло даражадаги жамоа, сотишни аъло даражада ташкил этиш, ўта

самарали реклама, ишлаб чиқаришдаги махфий жараён, мутлақ даражада яхши меҳнат муносабатлари, юқори ишонч рейтинги, ходимларни тайёрлашни илғор дастури ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Гудвилнинг амортизацияси. Гудвилл амортизациясининг ҳисоби айрим хусусиятларга эга. Агар номоддий активлар амортизацияси харажатлар ҳисобварақларнинг дебитида ва номоддий активларнинг амортизациясини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг кредитида акс эттириладиган бўлса, гудвилнинг амортизацияси эса қуйидагича акс эттирилади:

Дебет харажатлар ҳисобварағи

Кредит гудвилл ҳисобварағи

Масалан, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ «Приват» банкни 500 млн. ш.б.га сотиб олди.

Қуйида «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Приват» банкларни сотиб олишдан олдин тузилган баланслари ва «Ўзсаноатқурилишбанк» банкни «Приват» банкини сотиб олишдан кейин тузилган баланслари келтирилган. Қовус ичида компаниянинг бирлашув баланси тузилишида айриладиган суммалар келтирилган.

1.2-жадвал

«Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Приват» банкларни сотиб олишдан олдин тузилган баланснинг актив қисми¹⁸

Баланс моддалари	«Ўзсаноатқурилишбанк» компанияси, млн. ш. б.	«Приват» компанияси, млн.ш.б.	«Ўзсаноатқурилишбанк», компаниясини бирлашув баланси, минг. ш.б.
Пул маблағлари	510 (-500)	90	100
Бошқа жорий активлар	450	80	530
Узоқ муддатли активлар	300	200	500
Гудвилл	-	-	190
жами	1260	370	1320

¹⁸ АТБ Ўзсаноатқурилишбанк ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

**«Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Приват» банкларни сотиб олишдан
олдин тузилган балансининг актив қисми¹⁹**

Баланс моддалари	«Ўзсаноатқурилишбанк» компанияси, минг ш.б.	«Приват» компания, минг. ш.б.	«Ўзсаноатқурилишбанк» компаниясининг Бирлашув баланси, минг ш.б.
Жорий мажбуриятлар	205	60	265
Акциядорлик капитали	800	250(-250)	800
Тақсимланмаган foyda	255	60(-60)	255
жами	1260	370	1320

«Приват» банкининг баланс қиймати 310 млн. ш.бга тенг активлар-мажбуриятлар = $370 - 60 = 310$ минг ш.б.

Гудвилл = сотиб олиш нархи - бозор нархи = 500 млн. ш. б. - 310 млн. ш.б. = 190 млн. ш.б. «Ўзсаноатқурилишбанк» компанияси «Приват» компаниясини сотиб олгандан кейин умумий баланс тузилганда қуйидагилар вазиятларни ҳисобга олиш керак:

1. Банкнинг пул маблағлари 500 млн. ш.б.га камайди, чунки ушбу суммани «Ўзсаноатқурилишбанк» банки «Приват» банкнинг акциядорларига ушбу банкнинг мулки учун тўлади.

2. «Приват» банкнинг хусусий капиталнинг таркибий қисми (акциядорлик капитал ва тақсимланмаган фойда) ҳисобдан чиқарилади, чунки улар «Ўзсаноатқурилишбанк» компаниясининг акциядорлари томонидан «Приват» компаниясининг сотиб олиш учун тўланган, яъни банкларни сотиб олишда жами акциядорлик капитал сотиб олаётган банкнинг акциядорлик капиталига тенг бўлади.

3. «Приват» компаниясининг сотиб олиш нархи ва унинг баланс қиймати орасидаги фарқ (масалани оддийлаштириш мақсадида, ушбу вазиятда, фараз қиламизки «Приват» компанияси активларининг унинг баланс қийматига тенг) гудвилл сифатида акс эттирилади.

Қўшимча фойда усули

¹⁹ АТБ Ўзсаноатқурилишбанк ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Фирма қийматини ҳисоблаш муҳим усулларида бири унинг фойда олиш қобилиятини баҳолашдир. Ушбу усулни кўпинча қўшимча фойда усули деб аталади, у беш қадамни бажаришни талаб этади:

- 1.Бўлғуси фойдани баҳолаш.
- 2.Даромадлиликни одатий даражасини аниқлаш.
- 3.Одатий фойдани аниқлаш.
- 4.Қўшимча фойдани аниқлаш.
- 5.Гудвилл ҳисоби.

Салбий ишчанлик қобилият (бэдовилл). Сотиб олинган соф активларнинг ҳаққоний қиймати фирманинг харид қийматидан юқори бўлса, бу сотиб олган компания учун кулай хариддир. Сотиб олинган активларнинг харид нархи ва ҳаққоний қиймати ўртасидаги фарқни олиш билан ҳисоблаб чиқиладиган гудвилл суммаси салбий ҳисобланади, ва салбий ишчанлик қобилият (бэдовилл) деб аталади. Хар қандай салбий ишчанлик қобилият сотиб олинган фирма моддий активларини камайишига мутаносиб равишда тақсимланиши зарур. Моддий активлар қийматини шу даражада камайтириш лозимки, бунда салбий гудвиллга ўрин қолмасин. Банк активларини ҳаққоний қийматини рўйхатга олиш мумкин бўлмаганда МХХС ушбу кўпайишни салбий гудвилл сифатида ифодаланиши ва шу захотиёқ фойда сифатида акс эттирилишини талаб этади.

Ишчанлик қобилиятининг амортизацияси. Энг кенг тарқалган бухгалтерия сиёсати бўйича ишчанлик қобилиятни унинг фойдали хизмат муддати мобайнида ҳисобдан чиқаришдир. Бироқ, амортизация даври ҳеч қандай ҳолатда ҳам 40 йилдан ошиб кетмаслиги керак.

Номоддий активлар ҳисобини юритишнинг асосий қоидалари, уларнинг баланс қиймати ва шу активларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган амортизация усуллари аниқлаш, шунингдек номоддий активлар баланс қийматининг ўзгаришини аниқлаш ва ҳисобини юритиш, амортизацияни ҳисоблаш тартиби ҳамда уларни ҳисобдан (яъни балансдан) чиқаришдан кўрилган молиявий натижалар ҳисобини юритиш тартибларидан иборатдир.

I боб бўйича хулоса

Тижорат банкларида номоддий активлар ҳисоби ва аудитининг назарий асослари номли боб бўйича хулоса қиладиган бўлсак, ушбу бобда асосан тижорат банкларида номоддий активларнинг моҳияти, хусусиятлари ва баҳолаш тартиби ҳамда меъёрий ҳужжатлари ҳақида тўхталиб ўтилди.

Номоддий активлар- бу номонетар, идентификация қилинадиган активлар бўлиб, моддий ва жисм шаклига эга бўлмаган, фойдали хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган, ҳамда улардан банк хизматлари кўрсатишда ёки маъмурий мақсадлар учун фойдаланишга мўлжалланган активлардир.

Номоддий активлар қуйидаги активлар сифатида аниқланади: - субъект фаолиятида фаол ишлатилади, инвестициялар сифатида ёки сотиш мақсадида сақланмайди; - ҳозирги ҳисобот даври тугаганидан кейин фойда келтириши керак; - ҳар доим ҳам моддий моҳиятга эга эмас.

Тижорат банкларида номоддий активлар салмоғини жами активларга ёки узоқ муддатли активларга нисбатан янада ошириш. Бу эса банкларда моддий ресурслар қийматини ошишига, банкларнинг халқаро даражадаги обрўсини юксалишига, шунингдек, интеллектуал қобилиятни ривожланишига олиб келади.

Тижорат банкларида номоддий активлар таркибини кенгайтириш лозим, бугунги кунда фақатгина компьютер дастурларидан иборат бўлиб қолмоқда. Бу эса жами активларга нисбатан 0,1 дан 1,5 гача фоизни ташкил этади. Фикримизча банкларнинг тўз маҳсулотлари ва хизматлари бўйича патент ва лицензияларни олиш ёки амалий ишланмалари бўйича гувоҳномаларни олиш, муаллифлик ҳуқуқларини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Албатта буни хорижий банклар тажрибасини чуқур тадқиқ этишни талаб этади.

Тижорат банкларидаги мавжуд номоддий активларни баҳолашда молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларида кўрсатилган услубиёт (МҲХС 38) ҳозирча асос бўлиб турибди. Бизнинг фикримизча халқаро стандартдан ташқари (қийматли ёндошув), номоддий активларни баҳолашда

бозор ва самарадорлик кўрсаткичлари бўйича ҳам баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Бу эса номоддий активларларнинг баҳолаш тизими бўйича кўрсаткичларни таққослаш ва энг мақбулини танлаш имкониятини беради.

Номоддий активларни ҳисобга олиш ва унинг аудитини ташкил этишдаги амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни таҳлили шуни кўрсатадики, номоддий активлар бўйича ушбу меъёрий ҳужжатларни МҲХСлари талаблари асосида такомиллаштириш, яъни мувофиқлаштириб боришни талаб этади.

II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ АМАЛИЁТИ ВА УНИ МҲҲС АСОСИДА ТАКОМИЛАШТИРИШ

2.1. Банкларда номоддий активларни киримга олиш ва ҳисобдан чиқариш ҳисоби

Банкларнинг номоддий активлари ҳисобини кўришдан олдин, ТИФ Миллий банкнинг активлар таркибини кўриб чиқсак.

ТИФ Миллий банки ҳам мамлакатимизнинг энг йирик кредит ташкилотларидан бири сифатида Ўзбекистонни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш, халқаро молия бозоридаги иштирокини кенгайтириш учун янгича ёндашув ва тамойиллар билан молия бозорида фаол иштирок этиб, тизимнинг энг муҳим йўналиши бўлган кредитлаш соҳасида иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини қўллаб-қувватлаш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологикянгилаш, юқори самарали янги ишлаб чиқаришларни жорий этиш чора-тадбирларини молиялаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар бериш, маҳаллий хом-ашё ресурсларидан фойдаланиш ва уларни қайта ишлашга асосланган, импорт қилинаётган истеъмол моллари ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни барпо этишга жиддий эътибор қаратиб келмоқда.

2018 йил 1 январь ҳолатига кўра, Банк активлари (нетто) 28,1 трлн. сўмни ташкил этди.

Активлар тузилишида кредит операцияларининг улуши катта салмоққа эга бўлиб, банк барча активларининг 71,2 фоизини ташкил қилади. Банк аввало иқтисодиётнинг базавий тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожланишини, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаси тармоқларини ривожлантиришни ҳар томонлама кредитлар билан таъминлашни, шунингдек минтақаларни ижтимоий-иқтисодий

ривожлантириш дастурларини кредитлар билан қўллаб-қувватланишини таъминламоқда.

2.1-жадвал

ТИФ Миллийбанкнинг активлари таркиби²⁰

№	Активлар	2016 йил		2017 йил		ўзгариши	
		млрд. сўм	% да	млрд. сўм	% да	млрд. сўм	% да
1	Кассадаги нақд пуллар	5336,1	26,1	11080,5	22,8	5744,4	-3,3
2	Бошқа банклардан олинадиган маблағлар	973,4	4,8	2006,8	4,1	1033,4	-0,6
3	Мижозларга берилган кредитлар	13567	66,4	34521,6	71,2	20954,6	4,7
4	Сотиш учун мавжуд активлар	119,7	0,6	195,9	0,4	76,2	-0,2
5	Сотиш учун мавжуд инвестициялар	48	0,2	58,6	0,1	10,6	-0,1
6	Сўндирилгунча сақланадиган инвестициялар	0,7	0,0	1,8	0,0	1,1	0,0
7	Қарам хўжаликларга киритилган инвестициялар	36,7	0,2	55,9	0,1	19,2	-0,1
8	Асосий воситалар ва номоддий активлар	221,3	1,1	234	0,5	12,7	-0,6
9	Солиқ талаблари	4,1	0,0	8,7	0,0	4,6	0,0
10	Кечиктирилган фойда солиғи талаблари	57,3	0,3	198,7	0,4	141,4	0,1
11	Бошқа активлар	62,1	0,3	148	0,3	85,9	0,0
12	ЖАМИ: АКТИВЛАР	20426,4	100,0	48510,5	100,0	28084,1	0

Кассадаги нақд пуллар, Марказий банкдаги вакиллик, пасивлар бўйича мажбурий заҳиралар фондида, активлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар бўйича ҳисоб-варақларида қолдиқлар мавжуд бўлиб, уларнинг улуши барча активларнинг 22,8 фоизини ташкил этди.

Бошқа банклардаги маблағлар 4,1 фоизни ташкил қилди. Ҳам ички, ҳам халқаро пул бозорларида депозитларни жойлаштириш ишлари мамлакатлар, банклар ҳамда банк маҳсулотлари бўйича белгиланган таваккалчилик лимитлари доирасида олиб борилмоқда.

Инвестициялар ва қимматли қоғозларга қўйилмалар 0,2 фоизни ташкил этди.

Активларнинг умумий тузилишида банкнинг асосий воситалари ва бошқа мол мулки улуши 0,5 фоизни ташкил қилган ва жами активлардаги улуши ўтган йилга нисбатан 0,6 фоизга камайган бўлсада суммар 12,7 млрд.

²⁰ ТИФ Миллийбанк ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

сўмга ошган. Бу банкнинг моддий ва номоддий активлари салмоғи анча паст даражада.

Номоддий активларни кирим қилиш қуйидаги дастлабки ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

- фойдаланиш ҳақидаги гувоҳнома;
- патент гувоҳномаси;
- дастур билан таъминланган ишни қабул қилиш далолатномаси;
- активларни кўйиш ҳақидаги баённома;
- нархни аниқлаш ҳақидаги баённома ва бошқалар.

Ушбу ҳужжатларда қисқача таъриф, бошланкич нархи, ушбу объектни ишлатишнинг усуллари ва муддатлари кўрсатилади.

Жорий ҳисобда ҳар бир актив учун алоҳида ҳисоб — регистр карточкалари очилади, унда юқорида кўрсатилган маълумотлар қайд қилинади.

Номоддий активларнинг бошланғич баҳоси уларнинг эскиришларини ҳисоблаш ва ушбу суммани ишлаб чиқариш харажатларига ёки муомала харажатларининг таркибига киритиш учун аниқланади. Ҳар ойги эскириш суммаларининг миқдори хизматнинг муддатида, даромад олиш муддатида ва активнинг бошланғич баҳосидан келиб чиқиб аниқланади.

Номоддий активларнинг хизмат муддати қуйидагича аниқланади деб назарда тутилган: номоддий актив учун тўланган суммаси фойдаланиш муддати ичида даромадларга муқобил ёки доимий бир хил усуллар билан кўшилиши керак.

Банкнинг номоддий активлари қуйидаги усулларда шаклланади:

- 1) сотиб олиш;
- 2) банк ичида ишлаб чиқиш (яратиш);
- 3) текинга олиш.

Ҳақ эвазига сотиб олинган номоддий активларнинг бошланғич қиймати қуйидаги харажатлардан ташкил топади:

1) ҳуқукдан воз кечиш (сотиб олиш) шартномасига мувофиқ ҳуқук эгаси (сотувчи)га тўланган суммалар;

2) ҳуқук эгасининг мутлақ ҳуқуқидан воз кечиши (сотиб олиш) муносабати билан амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш йиғимлари, давлат божлари, патент божлари ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар;

3) божхона божлари ва йиғимлари;

4) номоддий активларни сотиб олиш муносабати билан тўланадиган солиқлар ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланмаса);

5) номоддий активларни сотиб олиш билан боғлиқ ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўланган суммалар;

6) номоддий активлар улар орқали сотиб олинган воситачиларга тўланадиган ҳақлар;

7) асосий воситалар объектларини етказиб бериш таваккалчилигини суғурталаш бўйича харажатлар;

8) активдан мақсадга кўра фойдаланиш учун уни яроқли ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар.

Сотиб олинган номоддий активларга ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар (аккредитив очиш бўйича харажатлар, ўтказмалар учун банкнинг воситачилик ҳақи, номоддий активларни чет эл валютасига сотиб олиш чоғида валюта конвертацияси бўйича воситачилик ҳақи ва банкнинг бошқа хизматлари), сотиб олиш бўйича контрактларни тайёрлаш ва рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда активларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа харажатлар номоддий активларнинг бошланғич қийматига киритилмайди, балки улар содир бўлган ҳисобот даврида харажатлар сифатида тан олиниши керак.

Агар шартнома шартларида тўловни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлса, сотиб олинган номоддий активларга ҳақ тўлаш чоғида ҳақиқий харажатлар бухгалтерия ҳисобига дастлаб тан олинган кредиторлик қарзи суммаси бўйича қабул қилинади.

Кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни тўлашга доир харажатлар қарзга олинган капитал ҳисобидан тўлиқ ёки қисман сотиб олинган номоддий активларнинг бошланғич қийматига киритилмайди.

Агар актив номоддий активнинг таърифига жавоб берса, банк томонидан келажакда иқтисодий самара олиш эҳтимолий мавжуд бўлса ва активнинг қийматини ишончли аниқлаш мумкин бўлса, ушбу актив номоддий актив сифатида тан олиниши лозим. Ушбу талаб четдан сотиб олинган номоддий активлар билан бирга банк ичида яратилган номоддий активлар учун ҳам қўлланилади.

Банк активдан унумли фойдаланиш муддати давомида мавжуд бўладиган ва келажакда олинадиган иқтисодий самара эҳтимолини баҳолаши керак.

Номоддий активлардан келадиган келажакдаги иқтисодий самара, банк томонидан активдан фойдаланиш натижасида вужудга келадиган, хизматларни сотишдан келиб тушган тушум, харажатларни тежаш ҳамда бошқа фойдаларни ўз ичига олиши мумкин.

Агар номоддий актив, уларни номоддий актив сифатида тан олишнинг таърифига ҳам мезонларига ҳам жавоб бермаса, ушбу модда бўйича харажатлар улар қайси даврга тегишли бўлса, шу давр харажатлари сифатида ҳисобга олинади.

Активларни номоддий актив сифатида таърифлаш имкони бўлмаган ҳолда (баъзи номоддий активлар бирор предмет билан ёки унинг таркибида бўлиши мумкин), шу элементнинг муҳимлигидан келиб чиқиб, аниқлаш керак бўлади (масалан, компакт-диск-дастурий таъминот ҳолатида, ҳуқуқий ҳужжатлар - лицензия ёки патент олиш ҳолатларида).

Сотиб олинган номоддий актив бошланғич (ҳақиқий) қиймати бўйича баҳоланади ва ҳисобга олинади. Номоддий активларнинг бошланғич қийматининг ўзгаришига уларнинг фақат қайта баҳоланиши натижасида рухсат этилиши мумкин.

Номоддий активларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир номоддий актив бўйича очилган тегишли шахсий ҳисобварақларда юритилади.

Хорижий валютага сотиб олинган номоддий активлар, балансда миллий валютада Марказий банкнинг хорижий валютага нисбатан давлат божхона декларацияси расмийлаштирилган кундаги курси бўйича акс эттирилади ва хорижий валюта курсининг ўзгариши муносабати билан қайта баҳоланмайди.

Банк ичида яратилган номоддий активлар, балансда ҳақиқий таннархи бўйича акс эттирилади.

Бепул олинган номоддий активлар дастлаб балансда реал (ҳақиқий) қиймати бўйича акс эттирилади. Бепул олинган номоддий активларнинг қиймати, қонунчиликка мувофиқ баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган экспертлар томонидан ёки қабул қилиш-топшириш ҳужжатларидаги активлар маълумотлари асосида аниқланади.

Номоддий активлар қийматининг олдиндан тўлиқ ёки қисман тўланиши қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади:

Дт 19909 "Кўрсатилган хизматлар ва товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар"

Кт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки миждоз ҳисобварағи

Активлар келиб тушганда:

Дт 16601 "Номоддий активлар"

Кт 19909 "Кўрсатилган хизматлар ва товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар"

Агар банк номоддий активлар келиб тушгандан кейин тўловни амалга оширса, қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади:

1) Номоддий активлар келиб тушганда балансда қуйидагича акс этирилади:

Дт 16601 "Номоддий активлар"

Кт 29802 "Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби"

2) номоддий активлар қиймати тўланганда:

Дт 29802 "Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари туланадиган маблағлар ҳисоб-китоби"

Кт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки мижоз ҳисобварағи

Номоддий активлар бепул олинганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси расмийлаштирилади. Бепул олинган номоддий активларнинг ҳақиқий қийматига:

Дт 16601 "Номоддий активлар"

Кт 30905 "Текинга олинган мулклар"

Номоддий активлар билан боғлиқ харажатлар, агар ушбу харажатлар келажакда шу активлар бўйича дастлабки ҳисобланган меъёрлардан юқори иқтисодий фойда олиб келиши мумкин бўлса, уларнинг бошланғич (ҳақиқий) қийматига қўшилиши мумкин. Барча бошқа харажатлар, улар қайси даврда юзага келган бўлса, уша даврнинг жорий харажатлари сифатида акс эттирилади.

Номоддий активлар сотиб олингандан ёки яратиб булингандан кейин амалга оширилган харажатлар, агар улар активнинг дастлабки баҳоланган меъёрий кўрсаткичларини сақлаб қолиш учун зарур бўлса, жорий харажатлар сифатида тан олинади.

Банк ичида яратиладиган номоддий активларнинг сифати, номоддий активлар сифатида ҳисобга олиш мезонлари талабларига жавоб бериши керак.

Ишлаб чиқиш натижасида яратилган активлар, агар банк қуйидагиларни барчасини номойиш эта олса, балансда номоддий актив сифатида тан олинади:

а) номоддий активнинг яратилишини тугаллашининг техник имконияти мавжуд бўлиши ва уни фойдаланиш ёки сотиш мумкин бўлиши;

б) номоддий активни яратишни ниятига етказиш ниятининг мавжудлиги, уни ишлатиш ёки сота олиш қобилиятига эга бўлиши;

в) номоддий активнинг келажакда иқтисодий самара келтира олиш имконияти. Бундан ташқари, банк номоддий активнинг натижалари ёки

унинг ўзи учун бозор мавжудлигини кўрсата олиши керак. Агарда уни банк ичида ишлатилиши кўзда тутилаётган бўлса, номоддий активнинг фойдалилигини баҳолаш зарур;

г) активнинг яратилишини яқунлаш ва ишлатиш ёки сотиш учун етарли техник, молиявий ҳамда бошқа ресурс (манба)ларнинг мавжудлиги;

д) номоддий актив яратилиши жараёнида уни ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатларни ишончли баҳолаш қобилияти.

Ички яратилган номоддий активнинг таннархи уни яратиш учун ва мақсади бўйича ишлатиш учун бевосита амалга оширилган барча харажатларни ўз ичига олади. Таннархга қуйидагилар киради:

1) номоддий активни яратиш жараёнида фойдаланилган ёки сотиб олинган материаллар ва хизматлар учун сарфланган харажатлар;

2) активни яратиш билан бевосита банд бўлган ходимларга тўланган иш ҳақи ва улар билан боғлиқ бошқа харажатлар;

3) яратилаётган активнинг қийматига бевосита қўшиладиган, юридик ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш бўйича бож тўловлари ва активни яратиш учун фойдаланилган патент ва лицензиялар амортизацияси каби барча харажатлар;

4) активлар таркибига киритилиши мумкин бўлган ва уни яратишда зарур бўлган қўшимча харажатлар.

Қуйидаги харажатлар ички яратилган номоддий активларнинг таннархи қисмига киритилмайди:

1) савдо, маъмурий ва бошқа умумий қўшимча харажатлар (активни фойдаланишга тайёрлаш учун кетадиган харажатлардан ташқари);

2) активдан фойдаланадиган ходимларни тайёрлашга кетадиган харажатлар.

Номоддий актив балансда дастлабки қиймати бўйича ҳисобга олингандан кейин, қайта баҳолаш санасида, агар унинг бозор баҳосини аниқлаш мумкин бўлса, номоддий актив қайта баҳоланади ва қайта баҳоланиш (тикланиш) қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Номоддий активнинг бозор қийматини, ушбу номоддий активнинг тури бўйича иккиламчи актив бозоридаги нархлар асосида аниқлаш мумкин. Баланс ҳисоботи тузилаётган санада баланс қиймати бозордаги баҳосидан кескин фарқ қилмаслиги учун қайта баҳоланиши мунтазам равишда амалга ошириб бориши зарур.

Агар айти пайтда қайта баҳоланган номоддий активнинг иккиламчи бозори мавжуд бўлмаса, активнинг баланс қиймати сифатида сўнгги марта қайта баҳоланган санадаги қиймат қабул қилиниши лозим.

Бунда номоддий активнинг ҳосил қилинган баланс қиймати ушбу активнинг тикланиш қийматидан юқори бўлмаслиги керак.

Қайта баҳолангандан сўнг номоддий активларнинг қайта баҳоланган қиймати уларнинг баланс қиймати ва жамғарилган эскириш суммаси билан таққосланади ва ўртадаги фарқ суммасига тегишли бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади.

1) Агар активнинг қайта баҳоланган қиймати унинг баланс қийматидан ортиқ бўлса, ушбу ошган сумма 30908 "Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолангандаги қўшимча қиймат" ҳисобварағида қуйидаги бухгалтерия ёзуви орқали акс эттирилади:

а) Дт 16601 "Номоддий активлар"

Кт 30908 "Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолангандаги қўшимча қиймат"

б) қайта баҳолашгача бўлган ва қайта баҳолангандан кейинги жамғарилган эскириш суммалари ўртасидаги фарқ суммасига:

Дт 30908 "Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолангандаги қўшимча қиймат"

Кт 16605 "Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси (конт-актив).

2) Қайта баҳолаш натижасида номоддий активлар қийматининг ўсган суммаси шу актив бўйича илгариги қайта баҳолашнинг харажат сифатида

ҳисобга олинган ва қийматини камайтирган суммасини қоплайдиган қисмигина даромад сифатида тан олинади.

3) Агар активнинг қайта баҳолангандаги қиймати унинг баланс қийматидан кам бўлса, унда активнинг суммаси камаяди ва бу камайиш қуйидаги бухгалтерия ёзуви билан расмийлаштирилади:

а) қайта баҳолашгача бўлган ва қайта баҳолангандан кейинги жамғарилган эскириш ўртасидаги фарқ суммасига:

Дт 16605 "Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси (конт-актив)

Кт 30908 «Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолангандаги қўшимча қиймат»

б) қайта баҳолаш натижасида аниқланган актив қийматининг камайиш суммасига

Дт 30908 "Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолангандаги қўшимча қиймат" (илгариги усиш миқдори доирасида)

Кт 16601 "Номоддий активлар"

4) Агар 30908 - ҳисобварақдаги кредит қолдиқ (номоддий активларнинг айнан шу тоифасига тааллуқли қисми) етарли бўлмаса, унда қайта баҳоланган активнинг қўшимча камайган қиймати қуйидагича ҳисобга олинади:

Дт 55995 "Бошқа фоизсиз харажатлар"

Кт 16601 "Номоддий активлар"


Қайта баҳолашнинг 30908 "Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолангандаги қўшимча қиймат" ҳисобварағига қўшилган ижобий натижа, ҳар ойда 31203 "Тақсимланмаган фойда" (актив-пассив) ҳисобварағига бевосита ўтказиб борилади. Бунда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

Дт 30908 "Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолангандаги қўшимча қиймат"

Кт 31203 "Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)"

Бундай ҳолда ҳар ойда ўтказиладиган қайта баҳолашнинг ижобий натижаси, тегишли активнинг тикланиш қиймати билан бошланғич қиймати эскириш суммалари ўртасидаги фарқ суммага тенгдир. Қайта баҳолаш натижасининг 30908 ҳисоб-варақдаги қолдиқ суммаси, тегишли актив ҳисобдан чиқарилган ҳолда тўлиқ ҳисобварақдан чиқарилиши мумкин.

Номоддий активларни қиймати активнинг хизмат муддати давомида мунтазам равишда ҳисобдан чиқарилиши керак. Амортизация ҳисоблашда тўғри чизикди усулни қўллаш кўпроқ тавсия этилади. Номоддий активнинг хизмат муддатини вақти-вақтида қайта кўриб чиқиш керак. Бироқ, ҳеч қандай вазиятларда олиш санадан бошлаб амортизацияни тўлиқ даври 40 йилдан ошмаслиги керак.



2.1-расм. ТИФ Миллийбанк номоддий активларининг қолдиқ қиймати ²¹ млн. сўмда

ТИФ Миллийбанк номоддий активларининг қолдиқ қиймати йиллар мобайнида ҳар хил бўлган.

Номоддий активлар баланسدан қуйидаги ҳолларда ҳисобдан чиқарилади:

- 1) тўлиқ эскирганда;
- 2) сотилганда;
- 3) текин берилганда;
- 4) форс-мажор ҳолатларда.

²¹ ТИФ Миллийбанк ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Номоддий активларни ҳисобдан чиқариш натижасида пайдо бўладиган фойда ёки зарарлар, ҳисобдан чиқариш натижасида баҳоланган соф тушумлар суммаси ва активнинг қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади ҳамда даромад ёки харажат сифатида фойда ва зарарлар ҳисоботида акс эттирилади.

Фойдаланишдан тўхтатилган ва ҳисобдан чиқариш учун мўлжалланган номоддий активларнинг ҳисоби, активнинг фойдаланишдан чиқариш санасидаги уларнинг баланс қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Номоддий активларни ҳисобдан чиқаришда, қолдиқ қиймат қуйидагича аниқланади:

1) жамғарилган эскириш суммасига:

Дт 16605 "Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси" (контр-актив)

Кт 16601 "Номоддий активлар"

2) ушбу номоддий актив бўйича 30908-ҳисоб-варақда қолган қолдиқ суммасига:

Дт 30908 "Бошланғич қийматига нисбатан қайта баҳолангандаги қўшимча қиймат"

Кт 31203 "Тақсимланмаган фойда (актив-пассив)"

Ҳисобдан чиқарилаётган номоддий активлар сотилаётганда қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилади:

1) номоддий активлар жўнатилгандан кейин харидор томонидан тўлов амалга оширилган ҳолда:

Дт 19909 "Кўрсатилган хизматлар ва товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар"

Кт 16601 "Номоддий активлар".

2) тўлов келгандан кейинги бухгалтерия ёзувлари:

а) агар номоддий активларнинг сотилиш баҳоси қолдиқ қийматидан юқори бўлса:

Дт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки харидор ҳисобварағи

Кт 19909 "Кўрсатилган хизматлар ва товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар"

Кт 45917 "Бошқа хусусий мулк/активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда"

б) агар номоддий активларнинг сотилиш баҳоси қолдиқ қийматидан кам бўлса:

Дт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки харидор ҳисобварағи

Дт 55910 "Бошқа хусусий мулк/активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар"

Кт 19909 "Кўрсатилган хизматлар ва товар-моддий қимматликлари учун тўланган маблағлар"

Тўлов олдиндан амалга оширилган ҳолда:

Дт Банкнинг вакиллик ҳисобварағи ёки харидор ҳисобварағи

Кт 29802 "Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби" ва бир вақтнинг ўзида:

агар номоддий активларнинг сотилиш баҳоси қолдиқ қийматидан ортиқ бўлса:

Дт 29802 "Кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби"

Кт 45917 "Бошқа хусусий мулк/активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан олинган фойда"

Кт 16601 "Номоддий активлар"

б) агар номоддий активларнинг сотилиш баҳоси қолдиқ қийматидан кам бўлса:

Дт 29802 "кўрсатилган хизматлар ва моддий товар қимматликлари учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоби"

Дт 55910 "Бошқа хусусий мулк/активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан кўрилган зарарлар"

Кт 16601 "Номоддий активлар"

Номоддий активларнинг қиймати тўлиқ эскириш, форс-мажор ҳолатлар билан боғлиқ бўлганда, бепул берилганда белгиланган тартибда зарар сифатида ҳисобдан чиқарилади ва қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси билан расмийлаштирилади:

Қолдиқ (ликвидиция) қиймати суммасига:

Дт 55910 "Бошқа хусусий мулк/активларни сотиш ёки диспозиция қилишдан қўрилган зарарлар

Кт 16601 "Номоддий активлар"

Хизмат қилиш муддати тугашидан катъи назар, агар номоддий активлар фойдаланиш учун яроқли (фойдаланиш мумкин) бўлса, банк улардан фойдаланишни давом эттириши мумкин. Бунда номоддий активларни эскириш суммаси ҳисобланмайди.

Номоддий актив сотилиш, айирбошлаш ёки бошқа сабаблар билан тугатилишида, унинг амортизация қилинмаган қиймати номоддий активлар ҳисобварақларидан тугатилишидан олинган фойда ёки қўрилган зарарни акс эттирган ҳолатда ҳисобдан чиқарилиши керак.

2.2. Банкларда номоддий активларга амортизация ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари

Номоддий активларга эскириш (амортизация ажратмалари), улардан фойдаланила бошланган ойнинг кейингисидан бошлаб ҳисоблаб борилади. Номоддий активларнинг амортизацияланадиган суммаси, уларнинг фойдали хизмат қилиш муддати давомида мунтазам равишда банк харажатларига ўтказиб борилади.

Номоддий активларнинг фойдали хизмат қилиш муддати амортизация нормалари ёрдамида аниқланади. Амортизация нормалари банк томонидан уларнинг бошланғич қиймати ва фойдали хизмат қилиш муддатидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Фойдали хизмат қилиш муддати, объектдан фойдаланиш вақтини уз ичига олган йилларда, кўрсатилган хизматлар ҳажмида улчаниши мумкин.

Активнинг фойдали хизмат қилиш муддатини аниқлашда қуйидаги омилларнинг барчаси ҳисобга олиниши лозим:

- банк томонидан активдан қанчалик самарали фойдаланишдан келиб чиққан ҳолда кутилаётган фойдаланиш;

- активнинг наъмунавий ҳаёт цикли ва фойдаланилаётган шунга ўхшаш активларнинг фойдали хизмат қилиш муддатини баҳоланганлиги тўғрисида оммавий ахборот;

- техник, технологик ва бошқа турдаги эскиришлар. Тез ўсиб бораётган техник тараққиётни инобатга олиб, компьютер дастурий таъминотлари ва шунга ўхшаш номоддий активларнинг фойдали хизмат қилиш муддати қисқа бўлади;

- актив устидан назорат қилиш даври ва юридик ёки активдан фойдаланишнинг бошқа чеклашлари, жумладан, ижара шартномалари муддатларининг тугаши ва шу кабилар;

- активнинг фойдали хизмат қилиш муддатини, банкнинг бошқа активлари фойдали хизмат қилиш муддатларига боғлиқлиги.

Номоддий активнинг фойдали хизмат қилиш муддатини баҳолашга, фойдали хизмат қилиш муддатининг ортиб бориши билан, ишонч камайиб боради, чунки чегара мавжуд ва халқаро стандартлардан келиб чиқиб, баъзи номоддий активларнинг фойдали хизмат қилиш муддати 20 йилдан ошмайди.

Агар номоддий активдан келажакда келадиган иқтисодий самаралар устидан назорат, юридик ҳуқуқлар (патентлар, муаллифлик ҳуқуқларига ухшаган) орқали амалга оширилса, унда бундай номоддий активларнинг фойдали хизмат қилиш муддати юридик ҳуқуқларни амал қилиш давридан ошиб кетмаслиги керак. Қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

- 1) юридик ҳуқуқлар қайта янгиладиган бўлганда;

- 2) янгиланиш (узайтириш) ҳақиқатда аниқ бўлганда.

Номоддий активнинг фойдали хизмат қилиш муддатига, мавжуд бўлган иқтисодий ҳамда ҳуқуқий омиллар таъсир этишлари мумкин:

-иқтисодий омиллар иқтисодий самара олиш даврини аниқласа, ҳуқуқий омиллар эса банкнинг ушбу самаралардан фойдаланиш даврини чегаралайди.

Бу ҳолда фойдали хизмат қилиш даври ушбу даврлар ичида энг қисқасини ташкил этади.

Технологик ўзгаришлар ёки хизмат бозоридаги ўзгаришлардан келиб чиқиб, номоддий активларнинг фойдали хизмат қилиш муддати активнинг хизмат қилиш даври давомида, вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиши керак. Бундай ҳолда, фойдали хизмат қилиш муддати ва уз навбатида, жорий ва келажак даврлар учун амортизация миқдори мос равишда тўғриланади.

Активнинг амортизацияланадиган суммаси унинг баланс қийматидан активнинг ликвидация қийматини айриб ташлаш орқали аниқланади. қуйидагилардан ташқари ҳолларда, номоддий активнинг ликвидация қиймати нолга тенглаштирилиб қабул қилиниши лозим:

1) активни фойдали хизмат қилиш муддати охирида ушбу активни сотиб олишга учинчи шахс мажбурияти борлиги; ёки

2) актив учун амал килаётган фаол бозор мавжудлиги ва:

а) ушбу бозорга асосланиб активнинг ликвидация қийматини аниқлаш мумкинлиги;

б) активнинг фойдали хизмат қилиш муддати охирида шундай бозорининг мавжуд бўлиш эҳтимолидан холи эмаслиги.

Қўлланиладиган амортизация усули, ушбу актив бўйича банк томонидан олинadиган иқтисодий самаранинг схемасини акс эттириши керак. Агар бундай график (жадвал)ни аниқ белгилаш мумкин бўлмаса, унда амортизациянинг бир текисда ҳисоблаш усулидан фойдаланиш лозим.

Амортизация қуйидаги услубларни қўллаш йўли билан ҳисобланади:

1) бир текисда (тўғри чизикли) ҳисоблаш усули;

2) бажарилган ишларнинг хажмига пропорционал равишда эскиришни ҳисоблаш усули;

3) қолдиқнинг камайиб бориш усули.

Активларнинг ҳар хил турларига амортизация ҳисоблашнинг турли усулларини қўллаш рухсат этилади. Бунда бир турдаги номоддий активларга фақатгина битта усул қўлланилиши керак.

Эскиришни ҳисоблашнинг танланган усули ҳисоб юритиш сиёсати томонидан аниқланиши ва бир ҳисобот давридан кейинги ҳисобот даврига кетма-кет равишда қўлланилиб борилиши ҳамда йил давомида ўзгармаслиги керак.

Бир текисда (тўғри чизикли) ҳисоблаш усули номоддий активнинг эскириш суммасини унинг фойдали хизмат қилиш муддати давомида, активнинг қийматидан келиб чиқиб, тенг хиссаларда ҳисобланиб боришини билдиради. Бунда қуйидаги формулани ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

$$\begin{aligned} \text{ЙЭС} &= \frac{\text{АК}}{100} \cdot \text{АМ} \\ \text{АХМ} &= \frac{\text{АМ}}{\text{АК}} \times 100\% \\ \text{ОЭС} &= \frac{\text{АК}}{12 \times 100} \cdot \text{АМ} \end{aligned}$$

ЙЭС - йиллик эскириш суммаси

АК - активнинг амортизацияланадиган қиймати

АХМ - активнинг хизмат қилиш муддати

АМ - амортизация меъёри

ОЭС - ойлик эскириш суммаси

Бу услуб, активнинг амортизацияси фақатгина унинг фойдали хизмат қилиш муддатига боғлиқ, деган фикрга асосланган. Бажарилган ишларнинг хажмига пропорционал равишда эскиришни ҳисоблаш усули, активдан фойдаланишдан олинadиган иш (хизмат) хажмидан келиб чиққан ҳолда

амортизация ҳисоблашни назарда тутати. Бунда амортизация қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$AC = \frac{AK}{MBFXM} \times BDMB$$

AC- амортизация суммаси

AK - активнинг амортизацияланадиган қиймати

BDMB - берилган давр учун миқдор бирлиги

MBFXM - бутун фойдали хизмат муддати учун ҳисобланган миқдор бирлиги.

Бажарилган ишларнинг ҳажмига пропорционал равишда эскиришни ҳисоблаш усули, эскириш фақатгина активдан фойдаланиш натижаси эканлиги ва уни ҳисоблаш жараёнида вақтнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқлиги тўғрисидаги таъминот асосланади.

Активдан изчиллик билан мунтазам фойдаланганда, айниқса илмий-техник тараққиётнинг катта таъсири бўлганда, активнинг эскиришини тезкор амортизация усулига асосланган ҳолда ҳисоблаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қолдиқни камайтириб бориш усули - активнинг фойдали хизмат давомида ҳисобланаётган амортизация суммасининг камайтириб боришини назарда тутати. Бундай усулда текис ҳисоблаш усули бўйича қўлланилаётган нормал амортизация ҳолатидагига нисбатан икки марта оширилган амортизация нормаси олинади.

Номоддий активлар учун қўлланиладиган амортизация усули, мунтазам равишда қайтадан кўриб турилиши лозим. Шу активлардан келадиган иқтисодий самара олиш схемасида муҳим ўзгаришлар руй берган ҳолда, бу ўзгаришларни акс эттириб бориш учун амортизация усулини ўзгартириш ва баҳолашнинг ўзгариши сифатида ҳисобга олиниши ҳамда жорий ва келгуси даврлар учун амортизация ажратмалари тўғриланиб борилиши лозим.

Барча турдаги номоддий активларнинг дастлабки баҳоси бошланғич қиймат бўлиши керак ва улар бухгалтерия ҳисобига ушбу қиймат бўйича қабул қилинади.

2.2-жадвал

ТИФ Миллийбанк номоддий активлари ва уларга амортизация ҳисоблаш²²

Йил	Номоддий активлар суммаси (млн. сўмда)	Номоддий активлар эскириш суммаси (млн. сўмда)
2009	4 628,90	3 029,68
2010	5 037,60	3 763,11
2011	5 143,70	4 140,05
2012	5 507,86	4 539,55
2013	7 160,25	5 134,69
2014	8 402,11	5 706,93
2015	9 113,96	6 556,56
2016	9 137,92	7540,04
2017	10 860,50	8595,65

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, ТИФ Миллийбанкнинг номоддий активлари фақат ўсиб бормоқда, яъни 2017 йилда 2009 йилга қараганда банк номоддий активларнинг бошланғич суммаси 6231,60 млн. сўмга ошган.

Амортизация ажратмалари қуйидаги бухгалтерия ўтказмаси орқали банк харажатларига ўтказиб борилади:

Дт 56618 "Номоддий активларнинг эскириш суммаси"

Кт 16605 "Номоддий активларнинг йиғилган эскириш суммаси" (контр-актив)

2.3. Номоддий активлар ҳисобини такомиллаштиришда хорижий тажрибаси қўллаш

Банкларда номоддий активлар ҳисобини такомиллаштиришда халқаро тажрибада қўлланилиб келаётган Номоддий активларнинг 38-сонли МХХС дан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади.

²² ТИФ Миллийбанк ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Номоддий активларнинг 38-сонли МҲХС 1998 йил июль ойида Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари Комитети томонидан тасдиқланган бўлиб, 1999 йил 1 июлдан бошлаб кучга киритилган.

Номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби халқаро миқёсда “Номоддий активлар” номли ушбу, 38-Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига мувофиқ тартибга солинади. Ушбу стандартнинг мақсади бошқа стандарт қамраб олмаган номоддий активлар учун бухгалтерия ҳисобининг ёндашувини белгилашдан иборатдир. Ушбу стандартда номоддий активни у фақатгина белгиланган мезонларга жавоб берганида тан олишни талаб этади. Шу билан бирга номоддий активларнинг баланс қийматини қандай баҳолашни белгилайди ва номоддий активлар тўғрисида муайян маълумотлар очиб берилишини талаб этади.

«Номоддий активлар» номли 38-Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига мувофиқ, номоддий активлар идентификацияланадиган бўлиши лозим. Номоддий активнинг идентификацияланиши деганда гудвилдан ажратган ҳолда алоҳида ҳисобга олиш объекти сифатида тан олиншини тушунилади.

Баъзи номоддий активлар моддий кўринишда сақланиши мумкин, масалан, компакт диск (компьютер дастури мисолида), ҳуқуқий ҳужжатлар (лицензия ёки патент мисолида) ёки фильм. Номоддий ва моддий жиҳатларга эга активни БҲХС 16 “Асосий воситалар” бўйича ҳисобга олинishi ёки мазкур 38-МҲХС бўйича номоддий активлар сифатида ҳисобга олиншини аниқлаш учун, тижорат банклари қайси жиҳат аҳамиятлироқлигини баҳолашда ҳукм чиқаришдан фойдаланади. Масалан, аниқ бир компьютер дастурисиз фаолият кўрсатмайдиган компьютер-назорат-қиладиган ускуна учун компьютер дастури тегишли эҳтиёт қисмнинг ажралмас қисмидир ва у асосий восита сифатида ҳисобга олинади. Айнан шу ёндашув компьютернинг операцион тизимига нисбатан қўлланилади. Қачонки дастур тегишли эҳтиёт қисмнинг ажралмас қисми бўлмаса, компьютер дастури номоддий актив сифатида ҳисобга олинади.

Молиявий ижара ҳолатида, асосдаги актив моддий ёки номоддий бўлиши мумкин. Дастлаб тан олингандан сўнг, ижарага олувчи молиявий ижара келишуви асосида эгалик қилинаётган номоддий активни 38-МҲХС га мувофиқ ҳисобга олади.

Актив - ресурс бўлиб, у: (1) олдинги ходисалар натижасида Банк томонидан назорат қилинади; ва (2) ундан Банк томонидан келгусида иқтисодий наф олиниши кутилади.

Тижорат банклари номоддий активларни, масалан, илмий ёки техник билим, янги жараёнлар ёки тизимлар дизайни ва амалга оширилиши, лицензиялар, интеллектуал мулк, бозор билими ва савдо мулкларини (жумладан, бренд номлар ва чоп этиш номлари) сотиб олишда, такомиллаштиришда, сақлаш ёки яхшилашда тез-тез ресурсларни кенгайтирадиган ёки мажбуриятларни тан оладилар. Ушбу кенг кўламни қамраб оладиган оддий мисолларга компьютер дастури, патентлар, авторлик ҳуқуқлари, тасвирий фильмлар, миждозлар рўйхатлари, ипотекага хизмат кўрсатиш ҳуқуқлари, импорт квоталари, франчайзинглар, миждоз ёки таъминотчи алоқалари, миждоз содиқлиги, бозор улуши ва маркетинг ҳуқуқларини келтириш мумкин.

Моддаларнинг барчаси ҳам номоддий активнинг таърифига, масалан, аниқланган эканлигига, ресурс устидан назорат ва келгуси иқтисодий нафларнинг мавжудлигига тўғри келмайди. Агарда модда 38-МҲХС ни кўллаш доирасида номоддий актив таърифини қаноатлантирмаса, уни сотиб олиш ёки ички яратиш ҳаражатлари улар сарфланган пайтда ҳаражатлар сифатида тан олинади. Бироқ, агарда модда бизнес бирлашувида сотиб олинган бўлса, у харид санасида гудвилнинг маълум қисмини ташкил этади.

Номоддий активларнинг хусусияти шундайки, кўп ҳолларда, уларга қўшимча қилинадиган актив ёки алмаштириладиган қисм бўлмайди. Демак, кейинги ҳаражатларнинг кўпчилиги ушбу стандартдаги номоддий активнинг таърифини ва тан олиш мезонини қаноатлантириш ўрнига амалдаги номоддий активда мужассамланган кутилган келгуси иқтисодий нафларни

сақлаши мумкин. Шу билан бирга, одатда кейинги ҳаражатларни бевосита бутун бизнесга нисбатан маълум номоддий активга тегишли эканлигини аниқлаш қийинроқдир. Шу туфайли, фақат камдан-кам ҳолларда кейинги ҳаражатлар – сотиб олинган номоддий активнинг дастлабки тан олингандан ёки ички яратилган номоддий актив тугагандан кейинги сарфланган ҳаражатлар – активнинг баланс қийматида тан олинади. 63-бандга мувофиқ, брэндлар, титул номлари, нашр номлари, мижозлар рўйхатлари ва моҳиятан ўхшаш моддалар бўйича кейинги ҳаражатлар сарфланганда доимо фойда ёки зарарда тан олинади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, алоҳида сотиб олинган номоддий активнинг таннархи одатда ишончли баҳоланади. Хусусан, бундай ҳолат юз беради, қачонки активнинг сотиб олинishiда ўрнига бериладиган товон пул маблағи ёки бошқа монетар активлар шаклида бўлса.

Номоддий активнинг баланс қийматида ҳаражатларни тан олиш тўхтатилади, қачонки номоддий актив раҳбарият кўзлагандек ишлай оладиган ҳолатга келтирилганда. Шу туфайли, номоддий активдан фойдаланиш ёки уни бошқа жойга кўчириш билан боғлиқ ҳаражатлар унинг баланс қийматига киритилмайди. Масалан, қуйидаги ҳаражатлар номоддий активнинг баланс қийматига киритилмайди:

- номоддий актив раҳбарият кўзлагандек ишлай оладиган ҳолатга келтирилган, лекин фойдаланилмаган пайтда сарфланган ҳаражатлар; ва
- активнинг маҳсулотига талаб шаклланаётган даврдаги зарарлар каби дастлаб кўрилган операцион зарарлар.

МҲХС 3 “Бизнес бирлашувлари” га мувофиқ, агарда номоддий актив бизнес бирлашуви жараёнида сотиб олинса, ушбу номоддий активнинг таннархи харид санасидаги унинг ҳаққоний қийматига тенг бўлади. Номоддий активнинг ҳаққоний қиймати активда мужассамланган кутилаётган келгуси иқтисодий нафларнинг банк томонидан оlinиши эҳтимоли тўғрисидаги кутишларни акс эттиради. Бошқача қилиб айтганда, иқтисодий нафлар оқимининг муддати ёки суммаси бўйича ноаниқлик

мавжуд бўлишидан қатъий назар, банк иқтисодий нафлар олинисини кутади. Шу туфайли, бизнес бирлашуви жараёнида сотиб олинган номоддий активлар учун (21(а)-банддаги) эҳтимолликни тан олиш мезони доимо қаноатлантирилган деб инобатга олинади

МҲМС 38 ва МҲХС 3 га мувофиқ, харидор харид санасида сотиб олинаётган банкнинг номоддий активини гудвилдан алоҳида тарзда тан олади, бунда актив сотиб олинаётган банк томонидан бизнес бирлашувидан олдин тан олинган бўлишидан қатъий назар.

Қуйидаги муаммолар туфайли, баъзида ички ишлаб чиқилган номоддий актив тан олиш мезонини қаноатлантиришини аниқлаш қийин бўлади:

(а) кутилган келгуси иқтисодий нафларни келтириб чиқарадиган аниқланадиган актив мавжудлигини ва қачон мавжуд бўлишини аниқлаш; ва

(б) актив қийматини ишончли аниқлаш. Баъзи ҳолларда, номоддий активни ички тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш харажатларини банкнинг ички яратилган гудвиллини сақлаш ёки яхшилаш ёки кунлик фаолиятини амалга ошириш харажатларидан фарқлай олинмайди.


Тижорат банкиларида ички ишлаб чиқилган номоддий активлар амалиётда кузатиш, учратиш камдан кам ҳолларда бўлади. Қуйидаги муаммолар туфайли, баъзида ички ишлаб чиқилган номоддий актив тан олиш мезонини қаноатлантиришини аниқлаш қийин бўлади:

(1) кутилган келгуси иқтисодий нафларни келтириб чиқарадиган аниқланадиган актив мавжудлигини ва қачон мавжуд бўлишини аниқлаш; ва

(2) актив қийматини ишончли аниқлаш. Баъзи ҳолларда, номоддий активни ички тажриба-конструкторлик ишлаб чиқиш харажатларини банкнинг ички яратилган гудвиллини сақлаш ёки яхшилаш ёки кунлик фаолиятини амалга ошириш харажатларидан фарқлай олинмайди.

Ички ишлаб чиқилган номоддий активнинг таннархи активни раҳбарият кўзлагандек ишлай оладиган қилиб яратиш, ишлаб чиқариш ва тайёрлашга зарур бўлган барча бевосита тегишли харажатларни қамраб олади.

Номоддий активларнинг туркуми активларнинг бир хил хусусияти ва банк фаолиятида фойдаланилиши жиҳатидан гуруҳланишидир. Номоддий активлар туркумидаги моддалар бир вақтда қайта баҳоланади, бунда активларни танланма қайта баҳолашдан ҳамда молиявий ҳисоботларда турли саналарда таннархлар ва қийматлар бирикмасини акс эттирадиган миқдорларни тақдим этиш четлаб ўтилади.



2.2-расм. Номоддий активларни тан олишда сўнгги баҳолаш²³

Таннарх бўйича ҳисобга олиш модели. Дастлабки тан олишдан сўнг, номоддий актив унинг таннархидан ҳар қандай жамғарилган амортизацияни ва ҳар қандай йиғилган қадрсизланиш бўйича зарарни чегирилгандаги қийматда ҳисобга олиниши лозим.

Қайта баҳолаш модели. Дастлабки тан олишдан сўнг, номоддий актив қайта баҳоланган қийматда, яъни қайта баҳолаш санасидаги унинг ҳаққоний қийматидан ҳар қандай кейинги жамғарилган амортизацияни ва ҳар қандай кейинги йиғилган қадрсизланиш бўйича зарарни чегирилгандаги қийматда ҳисобга олиниши лозим. Қайта баҳолашлар мақсадида, ҳаққоний қиймат фаол бозор инobatга олинган ҳолда аниқланиши лозим. Қайта баҳолашлар шундай меъёрда амалга оширилиши лозимки, ҳисобот даври охирида активнинг баланс қиймати унинг ҳаққоний қийматидан муҳим даражада фарқ қилмаслиги керак.

Банк номоддий активнинг фойдали хизмат муддати аниқлиги ёки аниқсизлигини ва агарда аниқ бўлса, фойдали хизмат муддатини ташкил

²³ Муаллиф томонидан тузилди

этадиган даврни ёки ишлаб чиқариш ёки шунга ўхшаш бирликлар сонини баҳолаши лозим.

Номоддий активни ҳисобга олиш унинг фойдали хизмат муддатига асосланади. Фойдали хизмат муддати аниқ бўлган номоддий актив амортизация қилинади (МҲХС 38 нинг 97-106 бандлари), фойдали хизмат муддати аниқсиз бўлган номоддий актив амортизация қилинмайди (МҲХС 38 нинг 107-110 бандлари).

Аниқ фойдали хизмат муддатига эга номоддий активнинг эскириш ҳисобланадиган қиймати унинг фойдали хизмат муддати давомида систематик тарзда тақсимланиши лозим. Амортизация бошланиши лозим, қачонки актив фойдаланишда бўлса, яъни қачонки у раҳбарият томонидан кўзланган ишлай олиш ҳолати учун зарур бўлган жойда ва шароитда бўлса. Амортизация вақтлроқ санада, яъни актив МҲХС 5 га мувофиқ сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган (ёки сотишга мўлжалланган сифатида таснифланган ҳисобдан чиқариш гуруҳига киритилган) сана билан активни балансдан чиқариш санаси солиштирилгандаги вақтлроқ санада тўхтатилиши лозим. Фойдаланилган амортизация усули банк томонидан активдан кутилаётган келгуси иқтисодий наф қай тарзда сарфланишини акс эттириши лозим. Агар ушбу ҳолат ишончли аниқланмаса, тўғри чизиқли (бир текис маромда) усул қўлланилиши лозим.

II боб бўйича хулоса

Тижорат банкларида номоддий активларни ҳисобга олиш амалиёти ўрганилиб хулосалар шакллантирилди.

Номоддий активларни кирим қилиш қуйидаги дастлабки ҳужжатлар асосида амалга оширилади: - фойдаланиш ҳақидаги гувоҳнома; - патент гувоҳномаси; - дастур билан таъминланган ишни қабул қилиш далолатномаси; - активларни кўйиш ҳақидаги баённома; - нархни аниқлаш ҳақидаги баённома ва бошқалар.

Номоддий актив, уларни номоддий актив сифатида тан олишнинг таърифига ҳам мезонларига ҳам жавоб бермаса, ушбу модда бўйича харажатлар улар қайси даврга тегишли бўлса, шу давр харажатлари сифатида ҳисобга олинади.

Номоддий актив сотилиш, айирбошлаш ёки бошқа сабаблар билан тугатилишида, унинг амортизация қилинмаган қиймати номоддий активлар ҳисобварақларидан тугатилишидан олинган фойда ёки кўрилган зарарни акс эттирган ҳолатда ҳисобдан чиқарилиши керак.

Номоддий активларга эскириш (амортизация ажратмалари), улардан фойдаланила бошланган ойнинг кейингисидан бошлаб ҳисоблаб борилади. Номоддий активларнинг амортизацияланадиган суммаси, уларнинг фойдали хизмат қилиш муддати давомида мунтазам равишда банк харажатларига ўтказиб борилади.

Номоддий активни ҳисобга олиш унинг фойдали хизмат муддатига асосланади. Фойдали хизмат муддати аниқ бўлган номоддий актив амортизация қилинади (МҲҲС 38 нинг 97-106 бандлари), фойдали хизмат муддати аниқсиз бўлган номоддий актив амортизация қилинмайди (МҲҲС 38 нинг 107-110 бандлари) шартлари номоддий активларни ҳисобга олиш бўйича меъёрий ҳужжатларда акс эттирилса мақсадга мувофиқ бўлади.

III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА НОМОДДИЙ АКТИВЛАР АУДИТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Тижорат банкларида номоддий активлар аудитини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг объекти бўлган ва тегишли назорат ўрнатилишини талаб этувчи банк маблағларининг янги турлари пайдо бўлди. Иқтисодиётимизнинг халқаро глобаллашуви шароитида тижорат банклари амалиётида бухгалтерия ҳисоби ва аудитида кўпгина терминларга чуқурроқ ёндашиш, уларни ҳисобга олинишини ҳар томонлама аниқлаштиришга эътибор қаратилмоқда. Бу ҳаракатлар ўз навбатида тижорат банкларида мулкчилик ва муомалаларнинг янги турлари кириб келишга асос бўлмоқда. Ана шундай маблағлардан бири бу номоддий активлардир.

Ташқи иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, қўшма корхоналар ва акциядорлик жамиятларининг ташкил этилиши сабабли номоддий активлар ҳисоби ва аудити олдига муайян талаблар қуйилмоқда. Бу борада проф. Р.Дусмурадов қуйидаги фикрларни баён этган: «Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу соҳада бир қанча масалалар ҳозирги кунда ўз ечимини кутмоқда, халқаро тажриба суст ўрганилмоқда. Иккинчи томондан, номоддий активлар ҳақиқатан, ҳатто дунё амалиёти учун ҳам муракаб ва хилма хил тушунча бўлиб, хусусан, уларни ҳисобга олиш ва ҳисоботда акс эттириш ҳамда аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича ягона халқаро ва миллий стандартларнинг йўқлиги ҳамдабу муаммолар бўйича давом этиб келаётган принципиал келишмовчиликлар бундан далолат беради»²⁴

Шунингдек, республикамиз банк амалиётида ҳам номоддий активларни аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича услубий кўрсатмаларни етарли даражада деб бўлмайди.

²⁴ Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. 2003.-76

Банк соҳасидаги мавжуд меъёрий ҳужжатлар ва амалий тажрибага таянган ҳолда номоддий активлар аудитини қуйидаги тартибда ўтказиш мақсадга мувофиқдир:

- 1) ҳисоб объектларини номоддий активлар каторига тўғри киритилганлигини текшириш;
- 2) интеллектуал мулк, саноат намуналари ва шунга ўхшашлар учун корхонага мулкӣ ҳуқуқ берадиган ҳужжатларни таҳлил қилиш;
- 3) ҳужжатларда акс эттирилган қиймат кўрсаткичларини ўрганиш;
- 4) номоддий активлар кирими, амортизацияси ҳисоблаш ва ҳисобдан чиқарилишига доир муомалаларнинг бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилишини ўрганиш;
- 5) номоддий активларнинг ҳақиқатда мавжудлигини инвентаризация қилиш;
- 6) аниқланган камчиликларни тузатиш бўйича тадбирларни белгилаш.

Тижорат банкларидаги мавжуд номоддий активлар асосан компьютер дастури таъминотлардан, антивирус дастурларидан иборат бўлиб, агар жами активларга нисбатан олинса, бу жуда ҳам кам фоизни ташкил этади. Тижорат банкларидаги мавжуд номоддий активларнинг бошланғич сумаси уларни етказиб келиш, харид қилиш харажатларини ўзида ифодалайди. Шунинг ушбу номоддий актив деб таснифланувчи тижорат банкларининг лицензион дастури таъминотлари асосан буюртма асосида сотиб олиш натижасида вужудга келади.

Номоддий активлар аудитининг мақсади бухгалтерия ҳисоботи “номоддий активлар” моддасининг ишончлилиқ даражаси тўғрисида фикр шакллантиришва банкда қўлланилаётган номоддий активларни ҳисобга олиш услуги ҳамда солиққа тортиш билан боғлиқ муомалаларнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонунчиликка мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Номоддий активлар аудити жараёнида қуйидагилар амалга оширилади:

1) Номоддий активлар мавжудлиги устидан назорат ўрнатилишини аниқлаш (мулкীয় объектларни номоддий активлар қаторига олиб боришнинг тўғрилиги; мавжудлигини ва муомалаларни ҳужжатлаштиришнинг тўғрилигини текшириш; инвентаризация қилиш; ҳисобот кўрсаткичларининг синтетик ва аналитик ҳисоб маълумотларига мослигини аниқлаш).

2) Синтетик ҳисобни юритиш, номоддий активларни кирими ва чиқимиға доир муомалаларни солиққа тортишнинг тўғрилигини текшириш (номоддий активларни кирими ва чиқимиға доир муомалаларнинг синтетик ҳисоб регистрларида акс эттирилиши; номоддий активлар киримға олиниши ва чиқим қилинишиға доир муомалаларни солиққа тортиш масалалари).

3) Синтетик ҳисобни юритиш, номоддий активларни кирими ва чиқимиға доир муомалаларни солиққа тортишнинг тўғрилигини текшириш (номоддий активлар кирими ва чиқимиға доир муомалаларнинг синтетик ҳисоб регистрларида акс эттирилиши; номоддий активлар киримға олиниши ва чиқимға қилинишиға доир муомалаларни солиққа тортиш масалалари)

4) Номоддий активларға амортизация ҳисоблаш ва ҳисобда акс эттириш (фойдали хизмат муддатини белгилашнинг асосланганлиги; амортизация ҳисоблашда қўлланилган усуларнинг қонунийлиги ва асосланганлиги; амортизация ажратмаларининг ҳисобда акс эттирилиши).

Юқорида келтирилган масалалар бўйича етарли маълумотларға эға бўлиш аудиторға номоддий активлар ҳисобининг ҳолатини мустақил баҳолаш ва қоидабузарликларға ҳамда амалдаги қонунчилик ва белгиланган қоидалардан четға чиқишларни аниқлашға имкон беради.

Банк ички аудитида аудитор номоддий активларни текшириш чоғида қуйидаги маълумотлар манбаларидан фойдаланилади:

- номоддий активларни ҳисобға олишни ва улар билан боғлиқ муомалаларни солиққа тортишни ташкил этиш масалаларини тартибға солувчи асосий меъёрий ҳужжатлар;

- банкнинг ҳисоб сиёсати (номоддий активларға тегишли қисми);

- номоддий активларни аналитик ва синтетик ҳисобини юритишда расмийлаштириладиган ҳисоб регистрлари;

- номоддий активларга тааллуқли амалиётларни ҳисобга оладиган дастлабки ҳужжатлар;

- молиявий ҳисоботлар.

Даставвал, аудитор тижорат банкнинг ҳисоб-сиёсатининг номоддий активларни ҳисобга олиш улусбиёти билан танишади. Булар қуйидагилардан иборат:

- амортизация ажратмаларини ҳисоблаш усуллари (ҳар бир тури бўйича ёки алоҳида турлари бўйича);

- амортизация ҳисобланмайдиган номоддий активлар рўйхати;

- номоддий активларни ҳисобга олишда намунавий тарзда қабул қилинган ва банкнинг ўзида тасдиқланган дастлабки ҳужжатларнинг шакли;

- номоддий активларни инвентаризация қилиш муддати ва инвентаризацияни амалга оширувчи комиссия аъзоларининг мутахассислигига қуйилган талаблар;

- номоддий активлар ҳисобига оид ҳужжатлар айланиши;

- номоддий активлар амалиётини акс эттиришда фойдаланиладиган ҳисобварақлар рўйхати.

Номоддий активлар бухгалтерия баланси (1 шакл)нинг актив қисмидаги “номоддий активлар” деган моддаси бўйича акс эттирилади (соф активлар кўринишида).

Тижорат банкларида ҳисоботга бериладиган тушунтиришларда қуйидаги ахборотларнинг моҳияти баён қилиниши лозим:

1. номоддий активлар айрим турларининг фойдали хизмат турлари тўғрисида;

2. эскириш ҳисобланмайдиган номоддий активлар тўғрисида;

3. амортизация ҳисоблаш усуллари тўғрисида.

Амалда номоддий активларга доир амалиётлар камдан кам содир бўлганлиги сабабли, мулкларни номоддий активлар қаторига олиб боришнинг тўғрилигини ёппасига текшириш мақсадга мувофиқ.

Мулклар номоддий активлар қаторига олиб борилганлигини текширида ушбу мулкларни келиб чиқишига асос бўлган шартномаларни, лицензияларни расмийлаштириш шартлари ҳамда уларнинг белгиланган қонуний талаблар бажарилганлигига эътибор қаратилади.

Аудитор номоддий активларни ҳисобга олиш билан боғлиқ бўлган шартномаларни текшириш билан бир қаторда номоддий активларни қабул қилиш топшириш далолатномаси ва номоддий активларни ҳисобга олиш карточкасини тўлдирилишини текширилади, (мажбурий реквизитлар туғрилигини, фойдали хизмат муддатлари кўрсатилганлигини, ҳисобга қабул қилиш саналари (фойдаланишга топшириш, объектни рўйхат қилиш, дастлабки ҳужжатларни ҳисоб регистрларида акс эттириш)).

Шартномалар, ҳисоб-фактуралар ва дастлабки ҳисоб ҳужжатлари текширилгандан сўнг аудитор номоддий активларни дастлабки ҳужжатлардаги номоддий активлар суммасини баланс ва айланма қайдномасидаги суммаларни бир бирига солиштириш орқали арифметик текшириш амалга оширади. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси банкларида номоддий активлар бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги 1199-сонли йўриқномага ҳамда “Номоддий активлар” номли 38-сонли МҲХС га мувофиқ номоддий активлар бухгалтерия ҳисобида пул ифодасида акс эттирилади.

Номоддий активларни баҳолаш уларнинг тегишли шартнома қиймати ва режалаштирилган мақсадларда фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш харажатлари кушиш тартибидан келиб чиқиб аниқланади.

“Ўзбекистон Республикаси банкларида номоддий активлар бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги йўриқномага мувофиқ номоддий активларнинг бошланғич қиймати, бу - активни сотиб олишда ҳақиқатда тўланган пул

маблағлари ёки унинг эквиваленти, ёки ишлаб чиқаришда қилинган ҳақиқий харажатлар қиймати деб ифодаланади.

3.1-жадвал

Номоддий активлар дастлабки қийматини шакллантириш

тартиби²⁵

Номоддий активлар дастлабки қийматини шакллантириш тартиби	Номоддий активларни олиш манбалари			
	Харид қилинган	Банкда яратилган	Текинга олинган	Улуш сифатида олинган
Номоддий активларни сотиб олиш ва режалаштирилган мақсадлар учун фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш учун қилинган ҳақиқий харажатлар бўйича	х			
Тайёрлаш учун қилинган ҳақиқий харажатлар бўйича		х		
Номоддий активларнинг бозор қиймати ва режалаштирилган мақсадлар учун фойдаланишга роқли ҳолга келтиришга доир ҳақиқий харажатлар бўйича			х	
Таъсис шартномасига мувофиқ таъсисчиларнинг келишуви бўйича				х

Ҳақиқий харажатлар таркибига, жумладан, номоддий актив объектининг ўзини сотиб олиш харажати, сотиб олишда берилган кредитлар бўйича тўланадиган фоизлар, ташқи иқисодий ва бошқа ташкилотларга тўланадиган комисион тўловлар (хизматлар қиймати), номоддий активларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар кирази. Бошқа мулклар сингари номоддий активларга тааллуқли бухгалтерлик маълумотлар ҳаққонийлиги вақти-вақти билан ўтказилиб туриладиган инвентаризация асосида тасдиқланади.

Тижорат банкларида номоддий активларни инвентаризация қилиш куйидаги вазифаларни ҳал этади:

- уларнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш.
 - ҳақиқий қолдиқни бухгалтерлик ҳисоб маълумотларига солиштириш йўли билан уларнинг бутлигини таъминлаш устидан назорат ўрнатиш.
- Банкларда номоддий активларнинг ҳақиқатан мавжудлиги ва улар устидан ички назоратни амалга ошириш учун номоддий активларни инвентаризация

²⁵ Муаллиф томонидан тузилди

қилиш лозим. Бунда аудитор номоддий активлар билан боғлиқ қатор меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилинганлигини синчиклаб текшириши зарур.

Номоддий активларни инвентаризация қилиш:

- банк раҳбарининг инвентаризация ўтказиш тўғрисидаги буйруғи;
- “Номоддий активларнинг инвентар рўйхат”га олиш дафтари,
- 16601 ҳисобварақларнинг синтетик ҳисоб регистрлари;
- банк баланси;

– тижорат банкларининг махсус дастурида номоддий активларни электрон ҳисобга олиш дастурчасидан чиқарилган рўйхатига (рўйхатда номоддий активларни номи, бир бирлигининг суммаси, жами сотиб олинган миқдори, сотиб олинган, омборга кириш қилинган санаси ҳамда жорий санага мавжуд бўлган қолдиқ суммаси кўрсатилган).

Инвентаризация қайдномасининг маълумотларига асосан инвентаризация рўйхатларини расмийлаштиришнинг тўғрилиги, банкнинг кўрсатилган номоддий активларидан фойдаланиш учун ҳуқуқни тасдиқлайдиган дастлабки ҳужжатларнинг мавжудлиги, синтетик ва аналитик ҳисоб регистрларида ҳамда Бош дафтарда номоддий активларни акс эттиришнинг тўғрилиги ва ўзаро мослиги текширилади.

Бундай текширишни амалга ошириш учун «Бухгалтерия баланси» (1-шакл), номоддий активлар ҳисобварақи (16601) ва номоддий активлар эскириши ҳисобварақи бўйича айланма қолдиқ қайдномаси, номоддий активларни ҳисобга олиш карточкалари, шунинг номоддий активларни банкнинг махсус дастурида номоддий активларнинг электрон рўйхатидан фойдаланилади.

3.2. Номоддий активлар аудити натижаларини расмийлаштириш

Номоддий активлар аудити натижалари бўлиб, аудитор ёки аудит гуруҳининг ҳисоботи ҳисоботи ва хулосаси ҳисобланади.

Аудитор номоддий активлар аудити натижалари бўйича ҳисобот ва хулоса расмийлаштиради. Шунингдек аудит натижасида расмийлаштирилган

аудиторлик хулосаси банк молиявий ҳисоботларининг ҳақиқийлигига ва объективлигига далил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунида белгиланишича: аудиторлик ҳисоботи аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги қоида-бузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек аудиторлик текшируви ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотдан иборат бўлган ва ҳўжалик юритувчи субъект раҳбарига, мулкдорга, қатнашчилари (акциядорлари)нинг умумий йиғилишига йўлланган ҳужжат.

«Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик хулосаси» номли №70 сонли АФМСга мувофиқ, бундан ташқари, ушбу масала бўйича халқаро даражадаги аудиторлик текширувини ўтказиш жараёнида халқаро аудит стандарти (ХАС №700) “Умумий фойдаланиш учун мўлжалланган молиявий ҳисобот тўлиқ комплекти бўйича мустақил аудиторнинг (хулосаси) ҳисоботи” номли стандарт асосида ташқи ва ички аудит ҳисоботлари учун асос бўлувчи ситандарт ҳисобланиб, унда аудиторлик ҳисоботи, унинг элементлари ва мазмуни масалалари кенг ёритилган.

Номоддий активлар аудити натижасида расмийлаштирилган аудиторлик ҳисоботи молиявий ҳисоботни аудиторлик текширувидан ўтказган аудитор(лар) томонидан бетма-бет имзоланиши лозим. Аудиторлик ҳисоботи аудиторлик текширувининг буюртмачисига, буюртмачининг барча зарур реквизитлари кўрсатилган ҳолда жўнатилади.

Аудиторлик ҳисоботининг кириш қисмида аудиторлик ташкилотининг реквизитлари, шу жумладан аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензиянинг рақами ва санаси, аудиторлар ва аудиторлик текширувида қатнашган бошқа шахслар ҳақида маълумотлар, ҳамда аудиторлик текширувини ўтказиш учун асос ва ҳўжалик юритувчи субъект фаолиятининг умумий тавсифи кўрсатилади.

Номоддий активлар аудитининг аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий қисми аудиторлик фаолияти стандартига таянади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

- банкда ички назоратнинг аҳволини текшириш натижалари (батафсил баёни);

- номоддий активлар бўйича бухгалтерия ҳисоботи ва молиявий ҳисоботнинг аҳволини текшириш натижалари;

- номоддий активлар ҳисобини олиб боришда қонунчиликка риоя қилинишини текшириш натижалари;

- номоддий активлар бўйича солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари;

- номоддий активлар (маблағлар) сақланишини текшириш натижалари.

Банк номоддий активлар ҳисоби аҳволини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборотлар қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- номоддий активлар ҳисобининг юритилиши ва молиявий ҳисоботни тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш;

- номоддий активлар бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш тартибини аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнида аниқланган катта қоидабузарлик ҳолатларини баён қилиш.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборотлар қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

Номоддий активлар сақланишини текшириш натижалари номоддий активларни инвентаризация қилишга асосланиши ва уларнинг ҳақиқатда мавжудлиги ҳамда бутлиги тўғрисидаги ахборотларни ўз ичига олиши лозим.

Аудиторлик ҳисоботининг якуний қисмида аниқланган хато-камчиликлар ва қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича аудиторлик ташкилотининг тавсиялари, ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича маслаҳатлар ва таклифлари акс эттирилади.

Номоддий активларни аудиторлик текширувининг натижалари асосида тузилган ҳисоботда банк фаолияти ва унинг натижаларининг умумий аҳволи, шунингдек, номоддий активлар бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузишнинг ҳолати, таҳлил ишларининг даражаси ҳамда корхонадаги ҳисоб-таҳлил ходимларининг тавсифи акс эттирилади. Аудиторлик ҳисоботи маълумотлари банк бозор шароитларига қандай мослашаётганлиги ва муваффақиятли ривожланиши ҳамда фойдасини кўпайтира олишга қодирлигини ёки аксинчалигини билдириши лозим. Албатта, текширилаётган банкдаги аҳвол беабаб кўрсатилмасдан, аудиторга тақдим қилинган ахборот ҳақиқий бўлгандагина эҳтиросларга берилмаган ва реал аудиторлик ҳисоботи ҳамда хулоса шаклланади. Акс ҳолда, аудиторлик текшируви бефойда ва уни ўтказиш учун сарфланган маблағ эса зое кетади.

Аудитор ҳисоботда келтирилган камчиликлар бўйича уларни бартараф қилишга қаратилган ўз таклифларини ҳам кўрсатиб ўтиши лозим. Лекин текширилаётгін банк ходимларига «яхшилик» қилиш мақсадида аудитор шахсан ўзи дастлабки ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари ва бухгалтерия ҳисоботларидаги хатоларни тўғрилаши мутлақо мумкин эмас.

Шу билан бирга аудиторларга номоддий активлар бўйича у ёки бу нохуш фактларни бошқача қилиб ёритишга ёки текширувчилар учун қулай хулоса тузиб беришга мажбурлаш мақсадида руҳий, жисмоний ёки бошқача таъсиқлар ўтказган ҳолларда улар қатъийлик ва принципиаллик билан иш тутишлари лозим.

Аудитор аниқланган хато ёки камчиликлар тўғрисида банк раҳбариятига билдиради ва уларни тузатиш бўйича аниқ тавсиялар ва тузатишга муддатлар беради.

Агар номоддий активлар ҳисобини юритиш, тегишли ҳисоботларни тузиш ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига риоя қилиш бўйича кўрсатилган камчиликлар аудит ўтказиш чоғида буюртмачи банк томонидан тузатилмаса, бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботнинг ишончилигини

тасдиқлаш мумкин эмаслиги тўғрисида аудиторлик текширувининг хулосасида ёзилади.

Аудиторлик ҳисоботида уни берилган вақти ва банк фаолияти билан боғлиқ бўлган аудиторлик текшируви натижалари ўрганилган, текширилган ва қўл қўйилган далиллар асосида кўрсатилади. Ҳисоботни тузгунга қадар унга киритилган барча тузатишларнинг аниқлигига аудитор тўла ишонч ҳосил қилган бўлиши керак. Аудитор аудиторлик ҳисоботи берилган вақтдан кейин банкни фаолиятида содир бўладиган молиявий ўзгаришларга жавобгар бўлмайди.

Шунингдек, ички аудитдан фаркли равишда ташқи аудитда аудиторлик ҳисоботидан ташқари аудиторлик хулосаси ҳам расмийлаштирилади. Аудиторлик хулосаси бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботнинг таркибий қисми бўлиб, ундан фойдаланувчилар учун ушбу ҳисобот ишончлилиги ахборот манбаси бўлиб хизмат қилади. Бухгалтерия ҳисоботидан фойдаланувчилар аудиторлик хулосасида баён қилинган фикрга таяниб, аудиторга ёки аудиторлик фирмасига ишонч билдирадилар. Ушбу ишонч, энг аввало, аудитор томонидан бажарилган ишнинг сифати билан қўлга киритилади ва оқланади.

Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунида белгиланишича, аудиторлик хулосаси молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибининг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган, хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очиқ бўлган ҳужжат.

Номоддий активлар аудит натижалари банкдаги жараёнлар ва молия-хўжалик фаолияти натижаларини ташкил этиш ва ҳисобга олишни ҳолисона акс эттириши лозим.

Бошқача қилиб айтанда, аудиторлик текшируви мумкин қадар объектив бўлиб, унинг хулосаси маълум маънода тижорат банк раҳбарияти устидан чиқарилган «ҳукм» ҳисобланади.

Аудиторлик хулосаси тузишдан воз кечиш айрим махсус ҳолларда юзага келади. Булар: аудитор мустақиллигини йўқотиши, баланс тузилган санадан кейинги содир бўлган жиддий ҳодисалар ёки вазиятнинг ноаниқлиги, ҳўжалик юритувчи субъект томонидан, ёки айрим мураккаб вазиятлар туфайли аудит ўтказиш соҳасининг чеклаб қўйилиши.

Аудиторга номоддий активлар аудитига тегишли барча зарур маълумотлар ўз вақтида тақдим этилмаган ёки бузиб кўрсатилган ҳолда тақдим этилганлигини у билмаган бўлса, бунга аудитор жавобгар ҳисобланмайди. Бу ҳолларда барча жавобгарлик зарур маълумотларни аудиторга тақдим этиши лозим бўлган, текширилаётган тижорат банк маъмурияти ва унинг маъсул ходимларига юклатилади.

Шу боисдан, банк раҳбари ва молия-ҳисоб хизмати ходимлари олдиндан, аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини охирги таҳрирда тузгунга қадар танишиб чиқишлари, агарда уларда айрим ҳолатларга нисбатан норозилик, мулоҳаза ёки қандайдир таклифлари бўлса, ушбу билдирилган фикрлар диққат билан эшитилиб, банк ходимлари иштирокида муҳокама қилиниши ва асосланган ҳолда чиқариб ташланиши ёки эътиборга олиниб, хулосанинг охирги таҳририда инobatга олиниши лозим. Банк бир ой ҳам ўтмасдан қайта текшириш натижасида ижобий хулоса олса, бу ҳол аудиторларга ишончсизлик билдиришга олиб келиши мумкин. Чунки, бу худди қобилиятсиз талабанинг имтиҳонда «қониқарсиз» баҳо олганидан сўнг, эртасига баъзи бир “сабаблар”га кўра «аъло» ёки “ижобий” баҳога қайта топширгани каби нореал ҳодисадир.

Шунингдек, агар текширув жараёнида жинойтчиликка оид ҳолат аниқланмаган бўлсада, хулосаларни ниқобланган ишоралар билан шакллантириш мумкин эмас. Аммо, шунга қарамасдан банк ишида суйистеъмол ҳоллари учраса, судлов-тергов органлари томонидан чуқур текширилиб, улар очиб ташланади. Шунини таъкидлаш лозимки, аудитор хулосада фақат меъёрий ҳужжатларга асосланган аниқ формулалар, рецептуралар, нормалар, лимитлар ва бошқа маълумотлар доирасидаги

асосланган, бенуксон, аниқ ҳисоб-китоблар билан тасдиқланган маълумотларни яъни текширув натижаларини келтириши лозим.

Аудиторлик текшируви якунланганидан сўнг барча материаллар (ишчи ва аналитик жадваллар, ҳисоб-китоблар, аудиторлик текшируви ва хулосалар ҳамда экспертиза далолатномаларининг бирламчи нусхалари, ҳисоб ходимлари, моддий жавобгар шахслар ва бошқаларнинг тушунтириш хатлари) ҳар бир текширилган банк учун махсус очилган папкаларда сақланиши лозим.

Номоддий активлар аудити натижаларини баҳолаш ишлари асосан куйидагиларни ўз ичига олади:

- ишчи ҳужжатларни шарҳлаш ва якуний ишчи ҳужжатларни тайёрлаш;
- аниқланган камчиликларнинг жиддийлик даражасини баҳолаш;
- аудиторлик далилларнинг етарлилигини баҳолаш;
- фаолият кўрсатаётган банк принципи билан боғлиқ омилларни баҳолаш;
- бухгалтерия ҳисоботидаги ахборотларни тақдим қилиш ва баён қилиш;
- ҳисобот тузилганидан сўнг содир бўлган ҳодисаларни баҳолаш;
- текширув натижалари бўйича аудиторнинг тижорат банк раҳбариятига тақдим қиладиган ёзма ахборотини тузиш;
- аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тузиш.

Аудиторлик текшируви ўтказиш чоғида асосан текширилаётган банкнинг дастлабки ҳужжатлари, ҳисоб регистрлари ва ҳисоботларида акс эттирилган ҳақиқий ахборотлар таҳлил қилинади ва баҳоланади. Фақат айрим ҳоллардагина аудиторлар тахмин ва ҳисоб-китобларга асосланган молиявий ахборотларни баҳолайдилар.

Таъкидлаш жоизки, текширув натижалари ва ҳўжалик юритувчи субъект мутахассисларининг ҳисоб-китобларини баҳолашда аудиторлар маълум даражада профессионал эҳтиёткорликка риоя қилишлари зарур.

Номоддий активлар аудитида аудитор қуйидаги ҳолларда катта номувофикликлар мавжудлигини кўрсатувчи ҳолатларни объектив баҳолаши зарур:

- тижорат банк ходимларига маълум бўлган, аммо аудитор омонидан очилмаган хатоларни аниқлаш фактлари;

- текширув учун зарур бўлган, аудиторга ўз вақтида тақдим қилинмаган дастлабки ҳужжатлар ёки маълумотларга доир хўжалик муомалалари;

- мутахассисларнинг ҳисоб-китобларидаги номувофикликлар;

- инвентаризация натижасида аниқланиб, далолатнома ва таққослаш ведомостлари билан расмийлаштирилган, лекин етарли даражада таҳлил қилинмаган ва тузатилмаган катта тафовутлар;

- катта тафовутларнинг тасдиқланмаганлиги ва аудитор сўровларига кутилган жавоблар олинмаганлиги;

- текширув учун танлаб олинган, зарур дастлабки ҳужжатлар ёки тегишли рухсат этувчи кўрсатмалар тақдим қилинмаган хўжалик муомалалари.

Аудитор тўпланган далиллар етарлилигини баҳолашда номувофикликлар аниқланган босқични (режалаштириш, аудит ўтказиш) шунингдек, хатолар хатарини дастлабки баҳолаш ва батафсил текшириш режаларини ҳам эътиборга олиниши лозим.

3.3. Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ тижорат банкларида номоддий активлар аудитини такомиллаштириш

Республика молия-банк тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг барқарорлигини ошириш, банклар фаолиятини ва бутун молия-банк тизимини баҳолаш ёндашуви ва тизимларини тубдан ўзгартириш, банк фаолиятини ташкил этилишини умум қабул қилинган халқаро меъёр, андоза ва баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқ янада юқори даражага кўтаришни таъминлаш мақсадида халқаро стандартлар талабларига асосан номоддий активлар аудити такомиллаштиришни тақозо этади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ тижорат банкларида номоддий активлар аудитини ташкил этиш ва уни ўтказиш тартибини такомиллаштириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

1) номоддий активларни аудитини амалга ошириш бўйича меъёрий норматив ҳужжатларни тегишли ваколатли бирлашмалар, ассосациялар ва ташкилотлар ҳамкорлигида ишлаб чиқиш;

2) тижорат банкларида номоддий активларларни турлари ва уларнинг реквизитлари бўйича изохлар ва техник талабларга тавсияномалар ишлаб чиқиш.

Тижорат банкларида номоддий активлар аудитининг янада такомиллашиб бориши бевосита банкка бўлган ишончсизликни камайтиради, банк фаолияти ёркинлиги, шаффофлигини таъминлайди, шунингдек тижорат банкларини халқаро стандарт талабларига жавоб беришга ундайди.

Тижорат банкларида номоддий активларни аудит қилиш услубиётида таҳлил қилиш муҳим роль ўйнайди. Шу жиҳатдан биз ушбу активларни таҳлил қилиш услубига ҳам тўхталиб ўтамиз. Банкларда номоддий активларни аудит қилиш жараёнида таҳлил қилишда унинг асосий манбаи бўлиб “Молиявий ҳолат тўғрисида”ги (Бухгалтерия баланси, 1-шакл), “Ялпи даромадлар тўғрисида”ги ҳисобот (Фойда ва зарарлар тўғрисидаги, 2-шакл), молиявий ҳисоботларга иловалар ва маълумотномалар олинади.

3.2-жадвал

Банкларда номоддий активлар бўйича молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш зарурияти

Номоддий активлар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот	
Ахборот тури	Молиявий ҳолатдаги ўзгаришларни ифода этади
Ахборот зарурияти	- номоддий активларнинг таркибий тузилиши бўйича ўзгаришларини баҳолаш зарурияти; - номоддий активларнинг ҳолати, ҳаракатини таркибий баҳолаш; - номоддий активларнинг мулкӣ эгаллиги ва тасарруф этиш ҳуқуқининг ўзгаришларига баҳо бериш зарурияти.
Ахборотни тузиш оралиғи, тартиби ва қоидаси	Йиллик даврида, ҳисобга олиш қоидасида

Банкларда номоддий активлар хажми, таркиби, динамикаси, тузилиши ва ҳолатининг таҳлил қилиш орқали кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланади. Ушбу кўрсаткичлар тизими субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини чуқур ўрганиш учун замин яратади.

Банкнинг иқтисодий салоҳияти иқтисодий таҳлилда кенг қўлланиладиган муҳим кўрсаткичлар бўлиб, номоддий активлар ҳам ушбу гуруҳ кўрсаткичлари таркибига киритилиши лозим бўлади. Иқтисодий салоҳиятни ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан бири сифатида:

- номоддий активларнинг ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- номоддий активларнинг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар;
- номоддий активларнинг натижавийлигини тавсифловчи кўрсаткичларни киритиш мумкин.

Бизнинг фикримизча ушбу активларнинг ҳолатини қуйидагилар ифодалаб беради:

- номоддий активларнинг умумий ҳажми;
- номоддий активларнинг келиб тушиши;
- номоддий активларнинг чиқиб кетиши;
- номоддий активлардан самарали фойдаланиш;
- номоддий активларнинг амортизация (эскириш) даражаси.
- номоддий активларнинг янгиланиш муддати.

Ушбу кўрсаткичлар асосида банклар аудитида молиявий таҳлил ўтказилиб, номоддий активларнинг ҳолатини баҳолаш имконияти яратилади. Номоддий активлар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни қуйидаги шартли мисолда кўриб чиқилади.

3.3-жадвал маълумотлардан кўриниб турибдики, номоддий активларнинг йил бошига нисбатан 50,0 м/с сўм ёки 1,4 фоизга пасайган. Буни компьютер дастурларига амортизация ҳисобланиши билан изоҳлаш мумкин. Чунки, компьютер дастурлари йил бошида жами суммага нисбатан ҳам камайиш тенденциясига эга (300 минг сўм ёки 88,0 фоиз).

ТИФ Миллийбанк “А” филиалининг молиявий ҳисобот маълумотлари²⁶
(минг сўм ҳисобида)

Баланс моддалари	“ABC” банки							
	Йил бошига қолдиқ		Қабул қилиган		Ҳисобдан чиқарилган		Йил охирига қолдиқ	
	сўм	фоиз	сўм	фоиз	сўм	фоиз	сўм	фоиз
Номоддий активлар:	3700,0	100	850,0	100	900,0	100	3650,0	100
Банк номи	400,0	10,8	-	-	-	-	400,0	10,9
Компьютер дастурлари	2500,0	67,5	600,0	70,5	900,0	100	2200,0	60,2
Web сайти	800,0	21,6	250,0	29,5	-	-	1050,0	28,7
Жами	3700,0	100	850,0	100	900,0	100	3650,0	100
Номоддий активлар амортизацияси	1850,0	-	400,0	-	-	-	2250,0	-

Жадвал маълумотлари асосида қуйидаги кўрсаткичлар ҳисоб-китоб қилинади:

1. Номоддий активларнинг келиб тушиш коэффиценти:

Кик	=	Қабул қилинган ИМО
		Йил охирига қолдиқ

$$850,0 / 3650,0 = 0,23.$$

2. Номоддий активларнинг чиқиб кетиш коэффиценти:

К ич	=	Ҳисобдан чиқарилган ИМО
		Йил бошига қолдиқ

$$900,0 / 3650,0 = 0,24.$$

3. Номоддий активлардан самарали фойдаланиш коэффиценти:

К инт	=	Қабул қилинган ИМО
		Ҳисобдан чиқарилган ИМО

$$850,0 / 900,0 = 0,94.$$

4. Номоддий активлар амортизация коэффиценти:

К иа	=	Амортизация қиймати
		Бошланғич қиймати

$$\text{Йил бошига } 1850,0 / 3700,0 = 50,0 \text{ фоиз.}$$

$$\text{Йил охирига } 2250,0 / 3650,0 = 61,6 \text{ фоиз}$$

5. Номоддий активларнинг янгиланиш муддати:

К янг	=	Йил бошига қолдиқ
		Қабул қилинган ИМО

²⁶ ТИФ Миллийбанк “А” филиалининг молиявий ҳисоботлардаги маълумотларни ошкор этмаслик мақсадида рақамларга ўзгартиришлар киритилган.

$$3700,0 / 850,0 = 4,3 \text{ йил.}$$

Номоддий активларни аудит қилишда ҳисобланган коэффициентлар асосида шуни такидлаш мумкинки, интеллектуал мулкнинг қабул қилиш эса, ҳисобдан чиқариш коэффициентидан пасайиб кетган (0,11) бўлган. Бунинг омили сифатида юқоида таъкидланганидек, компьютер дастурларини харид қилмаслик ва мавжудларига эса амортизация ҳисоблаш билан изоҳлаш мумкин.

Номоддий активлардан самарали фойдаланиш коэффициенти ҳам пасайиш тенденциясига эга. Чунки, қабул қилиган номоддий активларга нисбатан ҳисобдан чиқарилган объект салмоғи юқори (105,0 фоиз).

Банкда номоддий активлар амортизация коэффициенти фақат 11,6 га ортган, чунки субъектдаги компьютер дастури ва веб сайтига ҳисобот даври учун белгиланган меъёр доирасида амортизация ҳисобланган (бу банк “Ҳисоб сиёсати”га боғлиқ бўлади).

Таҳлил жараёнидаги яна бир муҳим кўрсаткичдан бири бу интеллектуал мулк объектларининг янгиланиш муддати бўлиб, банкда бу 4,3 йилга тенг бўлди. Умуман олганда таҳлил қилинаётган хўжалик субъектдаги мавжуд номоддий активларнинг ҳолати ва унинг динамика даражасини ижобий баҳолаш мумкин.

Номоддий активлар таркиби таҳлил қилинганда уларнинг келиб тушиш манбаси бўйича қуйидагиларни кўриш мумкин :

- пул ўтказиш йўли билан харид қилиши (Интернет сайти);
- устав капиталини шакллантириш асосида (банк номи);
- текинга олиш ҳисобига (ЭХМ дастури).

Ушбу банкдаги мавжуд номоддий активларнинг чиқиб кетиши тартиби таҳлил қилинганида қуйидаги маълумотларни кўриш мумкин:

- фойдали хизмат муддатининг тугаши муносабати билан (ЭХМ дастури). Шунингдек, НМА қуйидаги йўллар билан субъект балансидан чиқариш мумкин: сотиб юбориш, бошқа активларга алмаштириш, текинга бериш ва бошқалар. Номоддий активнинг таркибини таҳлил қилиш

жараёнидаги эътиборли жихати шундан иборатки, уларнинг фойдали хизмат муддатлари неча йилга тенг эканлигини аниқлашдир, бу юқоридаги мисол давоми сифатида қуйидаги жадвалда ифодаланган.

3.4-жадвал

ТИФ Миллийбанк “А” филиалида номоддий активларнинг фойдали хизмат муддати бўйича таркиби²⁷

Кўрсаткичлар	Фойдали хизмат муддати (йил)										Жами
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	
Номоддий активлар	800	750	650	600	750	-	-	100	-	50	3700
Жамига нисбатан %	21,6	20,7	17,5	16,2	20,7	-	-	2,7	-	1,3	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, НМАнинг фойдали хизмат муддатлари асосан 5 йилга (96,0 фоиз) тўғри келмоқда. Бу эса амалдаги Солиқ кодекси ва БҲХС 38 қоидаларига мосдир.²⁸

Маълумки номоддий активларни харид қилиб олишдан ёки унга эга бўлишдан мақсад, уларнинг фойдали хизмат муддати мобайнида самарали фойдаланишдир. Ушбу мулкдан самарали фойдаланиш даражасини аниқлаш, уларни баҳолаш катта масъулият ва алоҳида бир умумий ёндошувни талаб этади.

Фикримизча, банклардаги бухгалтерия баланси (1-шакл) маълумотлари асосида номоддий активларга баҳо беришнинг нисбий ифодаларини (молиявий коэффициентлар) таҳлил қилишда 3.4-жадвалда келтирилган кўрсаткичларга эътиборни қаратиш керак бўлади.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, банклар аудитида номоддий активларнинг яроқлилик коэффициенти ўтган йил ва ҳисобот йиллар учун ўзгармаган, яъни унинг амортизация қиймати жуда ҳам кам миқдорда ҳисобланган, лекин номоддий активнинг ўз ва қарз маблағлари ҳисобига манбаланиши даражаси 108 фоизга ортган. Бу эса хусусий капитал ва бошқа олинган қарзларнинг кўпайиши ҳисобига тўғри келади.

²⁷ ТИФ Миллийбанк “А” филиалининг молиявий ҳисоботлардаги маълумотларни ошкор этмаслик мақсадида рақамларга ўзгартиришлар киритилган.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 2010 йил. 01.01. Ўзгартириш ва қўшимчалар билан. 144-модда. 38 сон БҲХС “Номоддий активлар”. 2003.

3.5-жадвал

ТИФ Миллийбанк “А” филиалида номоддий активларга баҳо беришдаги айрим кўрсаткичлар²⁹

Коеффициентлар	Аниқланиши	Ўтган йил	Ҳисобот йил	Фарқи
Номоддий активларнинг яроқлилиқ коэффициенти	НМА ққ / НМА бқ	0,99	0,99	-
Номоддий активларни ўз ва қарз маблағлари ҳисобига манбаланиши	Ўмм+Умққ / НМА бқ	6,8	7,4	+0,6

Фикримизча, банкларда ҳуқуқнинг (лицензия) самарадорлиги ушбу ҳуқуқ (лицензия) асосида кўрсатилган хизматлардан олинган тушумга нисбатан аниқланиши ва ҳисобланиши лозим. Бу ерда хизматларнинг ҳажми эса, омилларга ҳам боғлиқ бўлади (баҳо, талаб, таклиф, сифат).

3.6-жадвал

ТИФ Миллийбанк “А” филиалида номоддий активларнинг самарадорлик кўрсаткичлари³⁰ (минг сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	Ўтган йил	Ҳисобот йили	Фарқи	
				сўмда	фоизда
1.	Номоддий активларнинг йиллик ўртача қиймати	1800,0	2500,0	+700	138,8
2.	Кўрсатилаётган хизматлардан тушум	128645,0	135586,0	+6941	105,4
3.	Ҳисобот даврининг соф фойдаси	15437,0	17269,0	+1832	111,8
4.	Номоддий активларнинг даромадлиги (3 қ. /1 қ.), сўм	8,5	6,9	-1,6	81,2
5.	Номоддий активларнинг айланувчанлиги. Айланиш даври (2 қат. / 1 қат.), кун	71,4	54,2	-17,2	-
6.	Рентабеллик даражаси (3 қат. / 2 қат.), %	11,9	12,7	+0,8	-

Самарадорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинганда номоддий активнинг даромадлиги ўтган йилга нисбатан 1,6 (81,2%) сўмга камайган. Ўз набатида айланувчанлик даражаси эса 17,2 га камайган.

Қуйидаги жадвалда номоддий актив рентабеллиги кўрсаткичининг омиллар таъсирида қандай ҳолатда эканлигига баҳо берамиз.

²⁹ ТИФ Миллийбанк “А” филиалининг молиявий ҳисоботлардаги маълумотларни ошкор этмаслик мақсадида рақамларга ўзгартиришлар киритилган.

³⁰ ТИФ Миллийбанк “А” филиалининг молиявий ҳисоботлардаги маълумотларни ошкор этмаслик мақсадида рақамларга ўзгартиришлар киритилган.

**ТИФ Миллийбанк “А” филиалида номоддий активларга таъсир
этувчи омиллар таъсирининг ҳисоб-китоби³¹**

Номоддий активлар рентабеллиги	Ҳисоб-китоблар	Натижа
Ўтган йили	СФўтг/СТўтг*СТўтг/Аўтг*Аўтг/НМАўтг	4,88
Ҳисобот йили	СФҳақ/СТҳақ*СТҳақ/Аҳақ*Аҳақ/НМАҳақ	0,81
Ўзгариши		-4,07

Омиллар таъсирини кўрсаткичлар бўйича қуйидаги тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

Ўтган йили:

$$3056344/79440868*79440868/103802628*103802628/6140402 = 4,88$$

Ҳисобот йили:

$$3216186/107512492*107512492/129322247*129322247/2538941 = 0,81$$

Маълумотлардан кўриниб турибдики, ИМО рентабеллиги омиллар таъсири ҳисоб-китобида субъектнинг соф фойдаси деярли ўзгармаган ҳолда уларнинг активларини ортиши (125%) ҳамда сотишдан тушумнинг кўпайиши (135%), шунингдек, ИМО нинг камайтириш кетиши (-41,2%) натижасида ўтган йилга нисбатан рентабеллик даражаси -4,07га тушиб қолган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, биз банклар ташқи ва ички аудитида номоддий активларни таҳлили услубиёти бўйича айрим кўрсаткичлар тизимини баён этишга ҳаракат қилдик, шундай бўлсада мазкур активларнинг аудитини услубиётини мукамал даражада шаклланган дея олмаймиз. Шунинг учун келгусида ушбу банкларда номоддий активлар аудит қилиш методикасини янада такомиллаштириш заруриятга айланади, провардида банкнинг бошқарув тизими самарадорлигини янада яхшилашга олиб келади.

III боб бўйича хулоса

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ тижорат банкларида номоддий активлар аудитни ташкил этиш ва уни ўтказиш тартибини

³¹ ТИФ Миллийбанк “А” филиалининг молиявий ҳисоботлардаги маълумотларни ошкор этмаслик мақсадида рақамларга ўзгартиришлар киритилган.

такомиллаштириш бўйича қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

Номоддий активлар аудитининг мақсади бухгалтерия ҳисоботи “номоддий активлар” моддасининг ишончлилиқ даражаси тўғрисида фикр шакллантириш ва банкда қўлланилаётган номоддий активларни ҳисобга олиш услуги ҳамда солиққа тортиш билан боғлиқ муомалаларнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонунчиликка мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Тижорат банкларида номоддий активлар аудитининг янада такомиллашиб бориши бевосита банкка бўлган ишончсизликни камайтиради, банк фаолияти ёркинлиги, шаффофлигини таъминлайди, шунингдек тижорат банкларини халқаро стандарт талабларига жавоб беришга ундайди.

Номоддий активларни аудитини амалга ошириш бўйича меъёрий норматив ҳужжатларни тегишли ваколатли бирлашмалар, ассосациялар ва ташкилотлар ҳамкорлигида ишлаб чиқиш лозим.

Тижорат банкларида номоддий активларларни турлари ва уларнинг реквизи́тлари бўйича изоҳлар ва техник талабларга тавсияномалар ишлаб чиқиш лозим.

Номоддий активлар аудитини амалга ошириш дастури қуйидагича шакллантирилиши лозим: - номоддий активларни ҳисоби амалга оширилган суб ҳисобварақларда амалга оширилган операцияларни тижорат банк дастуридан шакллантириш; - номоддий банк аудитини ўтказишга зарур бўлган барча ҳужжатларни сўраш; - номоддий активларни кирим қилинишини аудит қилиш ва ҳ.к.

Номоддий активларни амортизация ҳисобланишини аудит қилиш: - номоддий активларга амортизация нормалари тўғри белгиланганлигини текшириш; - номоддий активларга амортизация ҳисоблаш қайдномаларидаги суммаси билан тижорат банкнинг номоддий активларларнинг баланс суммасига мувофиқлигини умумий текшириш; - номоддий активларни амортизация суммаларни банк харажатларида тан олиш мезонларини, тан олиш даврига мослигини текшириш ва ҳ.к.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Диссертация тадқиқотлари жараёнида қуйидаги илмий хулосалар шакллантирилди:

1. Номоддий активлар- бу номонетар, идентификация қилинадиган активлар бўлиб, моддий ва жисм шаклига эга бўлмаган, фойдали хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган, ҳамда улардан банк хизматлари кўрсатишда ёки маъмурий мақсадлар учун фойдаланишга мўлжалланган активлардир.

2. Номоддий активлар қуйидаги активлар сифатида аниқланади: - субъект фаолиятида фаол ишлатилади, инвестициялар сифатида ёки сотиш мақсадида сақланмайди; - ҳозирги ҳисобот даври тугаганидан кейин фойда келтириши керак; - ҳар доим ҳам моддий моҳиятга эга эмас.

3. Номоддий активларни кирим қилиш қуйидаги дастлабки ҳужжатлар асосида амалга оширилади: - фойдаланиш ҳақидаги гувоҳнома; - патент гувоҳномаси; - дастур билан таъминланган ишни қабул қилиш далолатномаси; - активларни кўйиш ҳақидаги баённома; - нархни аниқлаш ҳақидаги баённома ва бошқалар.

4. Номоддий актив, уларни номоддий актив сифатида тан олишнинг таърифига ҳам мезонларига ҳам жавоб бермаса, ушбу модда бўйича харажатлар улар қайси даврга тегишли бўлса, шу давр харажатлари сифатида ҳисобга олинади.

5. Номоддий актив сотилиш, айирбошлаш ёки бошқа сабаблар билан тугатилишида, унинг амортизация қилинмаган қиймати номоддий активлар ҳисобварақларидан тугатилишидан олинган фойда ёки кўрилган зарарни акс эттирган ҳолатда ҳисобдан чиқарилиши керак.

6. Номоддий активларга эскириш (амортизация ажратмалари), улардан фойдаланила бошланган ойнинг кейингисидан бошлаб ҳисоблаб борилади. Номоддий активларнинг амортизацияланадиган суммаси, уларнинг фойдали

хизмат қилиш муддати давомида мунтазам равишда банк харажатларига ўтказиб борилади.

7. Номоддий активлар аудитининг мақсади бухгалтерия ҳисоботи “номоддий активлар” моддасининг ишончлилик даражаси тўғрисида фикр шакллантириш ва банкда қўлланилаётган номоддий активларни ҳисобга олиш услуби ҳамда солиққа тортиш билан боғлиқ муомалаларнинг Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонунчиликка мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Тижорат банкларида номоддий активлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Тижорат банкларида номоддий активлар салмоғини жами активларга ёки узоқ муддатли активларга нисбатан янада ошириш. Бу эса банкларда моддий ресурслар қийматини ошишига, банкларнинг халқаро даражадаги обрўсини юксалишига, шунингдек, интеллектуал қобилиятни ривожланишига олиб келади.

2. Тижорат банкларида номоддий активлар таркибини кенгайтириш лозим, бугунги кунда фақатгина компьютер дастурларидан иборат бўлиб қолмоқда. Бу эса жами активларга нисбатан 0,1 дан 1,5 гача фоизни ташкил этади. Фикримизча банкларнинг ўз маҳсулотлари ва хизматлари бўйича патент ва лицензияларни олиш ёки амалий ишланмалари бўйича гувоҳномаларни олиш, муаллифлик ҳуқуқларини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Албатта буни хорижий банклар тажрибасини чуқур тадқиқ этишни талаб этади.

3. Тижорат банкларидаги мавжуд номоддий активларни баҳолашда молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларида кўрсатилган услубиёт (МҲХС 38) ҳозирча асос бўлиб турибди. Бизнинг фикримизча халқаро стандартдан ташқари (қийматли ёндошув), номоддий активларни баҳолашда бозор ва самарадорлик кўрсаткичлари бўйича ҳам баҳолаш мақсадга

мувофикдир. Бу эса номоддий активларларнинг баҳолаш тизими бўйича кўрсаткичларни таққослаш ва энг мақбулини танлаш имкониятини беради.

4. Номоддий активларни ҳисобга олиш ва унинг аудитини ташкил этишдаги амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни таҳлили шуни кўрсатадики, номоддий активлар бўйича ушбу меъёрий ҳужжатларни МҲХСлари талаблари асосида такомиллаштириш, яъни мувофиқлаштириб боришни талаб этади.

5. Номоддий активни ҳисобга олиш унинг фойдали хизмат муддатига асосланади. Фойдали хизмат муддати аниқ бўлган номоддий актив амортизация қилинади (МҲХС 38 нинг 97-106 бандлари), фойдали хизмат муддати аниқсиз бўлган номоддий актив амортизация қилинмайди (МҲХС 38 нинг 107-110 бандлари) шартлари номоддий активларни ҳисобга олиш бўйича меъёрий ҳужжатларда акс эттирилса мақсадга мувофиқ бўлади.

6. Тижорат банкларида номоддий активлар аудитининг янада такомиллашиб бориши бевосита банкка бўлган ишончсизликни камайтиради, банк фаолияти ёркинлиги, шаффофлигини таъминлайди, шунингдек тижорат банкларини халқаро стандарт талабларига жавоб беришга ундайди.

7. Номоддий активларни аудитини амалга ошириш бўйича меъёрий норматив ҳужжатларни тегишли ваколатли бирлашмалар, ассосациялар ва ташкилотлар ҳамкорлигида ишлаб чиқиш лозим.

8. Тижорат банкларида номоддий активларларни турлари ва уларнинг реквизитлари бўйича изоҳлар ва техник талабларга тавсияномалар ишлаб чиқиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятига молик нашрлар

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.Шарқ, 2003 йил.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни 1995 йил 21 декабр.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 1996 йил 25 апрел.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 1999 йил 19 август.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида »ги Қонуни 2002 йил 29 август.
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги “Ўзбекистон республикаси марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 5296-сонли Фармони
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5177-сонли Фармони
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3620 сон Қарори
- 1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3270-сонли Қарори

1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 25-сон, 70-модда

1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015-йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги. ПҚ-1438-сонли Қарори. “Халқ сўзи” газетаси

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора- тадбирлари тўғрисида ”ги ПҚ-1317-сонли Қарори

1.2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси» № 773–17–сон 2004 йил 13 август.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги 1834–сон йўриқнома 2008 йил 11 июл.

1.4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2003 йил 14 январдаги “Ўзбекистон Республикаси банкларида номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида”ги 1199-сон йўриқнома

1.5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 6 июлдаги “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 2693 – сонли Қарори.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 августдаги 2709– сонли “Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низоми.

1.7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.

1.8. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.

1.9. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.

1.10. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 48 б.

1.11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси

1.12. Каримов И.А. “Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида”. Т.: Ўзбекистон. 2005.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

2.1. “Ahbor Reyting” рейтинг компаниясининг таҳлилий шарҳи

2.2. АТБ “Саноатқурилишбанк” йиллик ҳисобот маълумотлари

2.3. George Ciprian, Radu Valentin From visible to hidden intangible assets // Procedia - Social and Behavioral Sciences 62 (2012) 682 – 688

2.4. Борисенко В.В. Учёт нематериальных активов на основе МСФО // журнал Финансовой академии РФ Москва, 2007 г.

2.5. «Номоддий активлар» номли 38-Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти

2.6. ТИФ Миллий банк йиллик ҳисобот маълумотлари

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

3.1. Абдувахидов Ф.Т., Умаров З.А., Джураев К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010. –224 б.

3.2. Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD – MOLIYA ”, 2009 й. – 548 бет.

3.3. Банк В.Р., Семенов С.К. «Организация и бухгалтерский учет банковских операций» учебного пособия. Москва «ФиС». 2004 г.

3.4. Банковское дело: Учебник / под ред. В.И. Колесникова, П.П. Кроливедской. 4-е издание – М.: Финансы и статистика, 1998. –464 с.

3.5. Банковское дело: Учебник. перераб. и доп./ Под ред. О.И. Лаврушина. –М.: КНОРУС, 2008. – 768 с.

3.6. Банковское дело: Учебник/ под. ред. д.э.н. проф. Г.Г. Коробовой. – М.: Экономистъ, 2004. – 751 с.

3.7. Вахабов А.В., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К. Тижорат банклари ташки аудитида халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш методикаси. Монография. Тошкент: молия, 2011. -188 б.

3.8. Вулфел Ч.Дж. "Банковское дело и финансовая энциклопедия" Перевод с английского. Федоров -2000 г.

3.9. Дўсмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт. Тошкент: Молия. 2007. 275 бет.

3.10.Ибрагимов А.К ва бошқ. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. Тошкент, Молия. – 2010, 272 б.

3.11.Краснова Л.П «Финансы, деньги, кредит». Учебник. М.: Юристъ, 2000

3.12.Куницына Н.Н., Хисамудинов В.В. «Банковский аудит». Учебное пособие 2005 г.

3.13.Қоралиев Т. ва бошқалар Банк иши. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD – MOLIYA ”, 2016 й.

3.14.Маматов З.Т. Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари, Тошкент:ТМИ. 2004, -348б.

3.15.Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - 296с.

3.16.Муругова И.А. Операционная техника и учет в банках. - Т.: Молия 2010 г.

3.17.Наврузова К.Н., Каримов Н.Г., Ортиқов У.Д. Банкларда бухгалтерия ҳисоби Т.: Давр нашриёти, 2012.

3.18.Норқобилов С, Ортиқов У, “Банк аудити”. Т.: 2004- 108 б.

3.19.Палий В.Ф. «Международные стандарты учета и финансовой отчетности». (Учебник). Москва ИНФРА-М 2007.

3.20.Соколова Е.С. «Международные стандарты учета и финансовой отчетности». Учебно-методический комплекс. Москва 2008.

3.21.Финансовый анализ в коммерческом банке/ А.Д. Шеремет, Г.Н. Щербакова. – М.: Финансы и статистика, 2000. –256 с.

3.22.Яндиев М.И. «Финансовые рынки и корпоративные финансы» (Учебник). Москва - 2007 МГУ им. М.В. Ломоносова

3.23. Интернет сайтлари

- www.cbu.uz - (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки)
- www.gov.uz - (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали)
- www.stat.uz - (Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси)
- www.lex.uz - (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)
- www.nbu.uz - (ТИФ Миллий банкнинг расмий сайти)
- www.uzsanoatqurilishbank.uz - (АТБ Саноатқурилишбанкнинг расмий сайти)
- www.bis.org – (Базель қўмитаси сайти)
- www.scopus.com - (Scopusнинг расмий сайти)
- www.elsevier.com - (Elsevierнинг расмий сайти)
- www.sciencedirect.com - (Elsevierнинг илмий мақолалардан фойдаланиш имкониятини берувчи сайти)